RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Постда

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 7 (3431) | 2002 йил 14 февраль, пайшанба | Сотувда эркин нархда

**Бош муҳаррир минбари**

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ШАРОИТИДА ЯШАШ БАХТДИР

Яқинда дам олиш кунларининг бирида телевизор орқали уруш ҳақидаги фильмни томоша қилдим. Киноижодкорлар ҳар доим ҳам инсон руҳиятига мос келавермайдиган, юракни музлатиб юборувчи ваҳимали лавҳаларни суратга туширишга устаси фаранг бўлиб кетишгани шундоққина кўриниб турарди. Мен билан бирга фронтнинг олдинги чизиғида рўй бераётган хунрезликларнинг гувоҳи бўлаётган қизчам пинжимга тиқилганча худди катталардек тин олди ва зангори экрандан нигоҳини узмай:

– Дада, юртимизда уруш бўлмаётгани қандай яхши, – деди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда қизимнинг бу фикрини кейинги йилларда биз эришган энг катта ютуқ – умумий хонадонимиздаги тинчлик ва барқарорлик, фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик деб ҳисоблаётган миллионлаб ўзбекистонликлар қўллаб-қувватлайди.

Ҳа, кўп миллатли халқимиз совуқ уруш ҳақида эшитибгина қолмаган. XXI аср вабоси – халқаро терроризм ва диний ақидапарастлик тўғрисида фақат китоблар орқали билмайдилар. Мамлакатимиз ҳудудига тиш-тирноғигача қуролланган ҳар қандай босқинчилар тўдасининг суқулиб кириши фожиали оқибатларга олиб келишига ўз тажрибамиз орқали ишонч ҳосил қилдик.

Ана шу тажриба замирида олинган сабоқлар ҳар биримиздан нафақат ҳушёр бўлиш ва мамлакат мудофаа қудратини оширишга муносиб улуш қўшиш, балки мустақил Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлашга қаратилган вазифаларнинг бажарилишига шахсан иштирок этишимизни талаб қилмоқда.

Кимлардир ушбу сатрларни ўқигач, "сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади", дея таъна қилиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳозир террорчилар қолдими, Америка самолётларидан ёғдирилган бомбалар уларни ва базаларини тор-мор қилди-ку, деган фикрлар ҳам айтилиши мумкин.

Илойим, шу фикрлар рост бўлсин. Халқаро террорчилар тайёрланадиган лагерлар батамом йўқ қилинган бўлиб, келгусида тараққиёт ва фаровонлик сари изчил боришимизга ҳеч қандай ташқи куч рахна сололмасин. Шу билан бирга халқимизда ўзини эҳтиёт қилганни Аллоҳ ҳам эҳтиётлайди, деган нақл борлигини ҳам унутмаслик зарур.

Жаҳон амалиёти, айрим ривожланган мамлакатларда орттирилган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, курраи заминимизда у ёки бу минтақада сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, ҳаммани қўрқувга солиш, бегуноҳ одамларни ўлдиришга интилаётган қора кучлар ҳали етарли. Оммавий ахборот воситалари орқали сайёрамизнинг у ёки бу минтақасида портлашлар рўй бергани ҳақида деярли кунора хабарлар тарқатилмоқда...

Президентимиз Ислом Каримов 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида рўй берган фожиадан анча илгари нуфузли халқаро минбарлардан туриб жаҳон ҳамжамиятини хавфсизлигимиз ягона эканлигини инобатга олган ҳолда, терроризмга қарши биргаликда курашишга даъват этган эдилар. Бу даъватларни барча эшитди. Ва бугунги кунда кўплаб давлатларда XXI аср вабоси – терроризмга орамизда ўрин йўқ, деган сўзлар қатъий айтилмоқда.

Биз мусаффо осмон остида тинч яшаб, меҳнат қилиш, буюк келажагимизни қуришни истаймиз. Мустақилликка ҳам шу мақсадни кўзлаб эришдик. Ўзбекистон суверен ривожланиш йилларида тобора ҳуқуқий давлатга хос бўлган жиҳатларни қўлга киритмоқда. Яқинда ўтказилган референдум ва унда халқимиз республикамизда Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотларни қизғин қўллаб-қувватлагани бунинг яққол тасдиғидир.

Дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган ва мустақиллик туфайли унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар амалга оширилаяпти, ер куррасидаги талайгина давлатлар билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Давлатимизнинг тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсати, минтақавий ва умумсайёра хавфсизлигини таъминлаш бўйича чуқур ўйлаб амалга оширилаётган принциплари барча тараққийпарвар инсоният томонидан маъқулланмоқда.

Келгусида ҳам яратувчилик борасидаги ишларни давом эттириш учун ҳар биримиз шахсий хавфсизлигимиз ва умумий уйимиздаги хавфсизликни таъминлаш ҳақида ўйлашимиз зарур. Терроризмга қарши кураш бўйича орттирилган тажрибаларга таянган ҳолда ҳушёрликни янада ошириш, айниқса ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор беришимиз талаб этилади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қалби нозик, онги тўлиқ шаклланишга улгурмаган ёшларни ёвуз кучлар ўз томонига оғдириб олишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда янгича фикр юритувчи кадрларни тайёрлаш бўйича улкан ишлар қилинмоқда. АҚШ, Англия, Япония, Франция, Германия ва бошқа мамлакатларда таълим олган юзлаб йигит-қизлар ҳозирда республикамиз иқтисодиётининг турли соҳаларида муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар. Бу мустақил Ўзбекистонда ёшлар билан олиб борилаётган ишларнинг дебочаси, холос.

Ҳушёрликка эътибор бериб, бунга фарзандларимизни ҳам даъват этар эканмиз, дунё нотинч бир пайтда яшаётганимиз, кимлардир ютуқларимизни кўра олмаётгани, кимлардир бизни яна ҳақсизлик гирдобига итқитишни хоҳлаётганини ёдда тутишимиз зарур. Аксарият ҳамюртларимиз буни яхши англаб етганлар. Шу боис улар: "Ҳар биримиз ўз жойимизда муқаддас заминимизда доим тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши, мамлакатимиз тараққиёт, демократик ўзгаришлар йўлидан оғишмай бориши учун бор имкониятларни ишга соламиз", дея терроризмни кескин қораламоқдалар.

Шундай бўлиши табиий. Мустақиллигимизнинг биринчи ўн йиллиги якунлари ҳам биз тўғри йўлдан бораётганимизни тасдиқлаб турибди. Ва бу йўл албатта тараққиёт, фаровонлик сари олиб боради. Ана шундай олижаноб мақсад йўлида яшасак ва баракали меҳнат қилсак арзийди.

Шу сабабли қизимнинг "юртимизда уруш бўлмаётгани қандай яхши", деган сўзларига "сира хавотирланма қизалоғим, биз бунга асло йўл қўймаймиз" дея жавоб бердим.



## ТЕРРОРЧИГА

*Одам кушандаси, иблис, нобакор,*
*Айт, бегуноҳ халқда нима қасдинг бор!?*
*Сенга инсонларни қирмоқ не даркор?*
*Жавоб берар вақтинг етди, эй нокас!*
*Дастингдан вайрона бўлган бинолар,*
*Тупроққа қорилган жонсиз таналар.*
*Фарзандидан жудо бўлган оналар*
*Қарғиши хор қилар сени, эй нокас!*
*Энди кечирмайди сени одамлар,*
*Илдизингга ўткир болта урарлар.*
*Адабингни берар жабрдийдалар,*
*Қилмиш-қидирмиш бу дунё, эй нокас!*
*Муборак тупроққа қўйма оёғинг,*
*Қора ерга кирсин сахти-сиёғинг.*
*Исканжада қолди тўртала ёғинг,*
*Қочиб кетолмайсан, эй қонхўр нокас!*
*Тоғ бағрини тешиб, макон қилсанг ҳам,*
*Жон сақламоқ учун ерга кирсанг ҳам.*
*Ҳимоянгга тоғ-тоғ тилло берсанг ҳам,*
*Қутула олмайсан, эй манфур нокас!*
*Тинчликсевар эллар бўлиб ҳамжиҳат,*
*Тухуминг қуритмоқни қилди маслаҳат,*
*Энди сенга қарши барча мамлакат,*
*Ўлимга маҳкумсан сўзсиз, эй нокас!*
*Қолмаяжак сендан ному нишона,*
*Дахлдор эмассан дина, имона.*
*Сиғмай қолдинг энди ёруғ жаҳона,*
*Дўзахга равона бўлгин, эй нокас!*
*Юртбошим сезганди ёмон феълингни,*
*Аямажагингни туққан элингни.*
*Тўсмоқчи бўлганди юрар йўлингни,*
*Пайинг қирқилажак бугун, эй нокас!*
*Етмиш беш ёшдаман, тинчлик истайман,*
*Малъун террорчига ўлим тилайман.*
*Шоир Ҳусинбобо дейди чин дилдан,*
*Ўзбекистонимга ривож сўрайман.*

Ҳусин **РАҲМАТУЛЛАЕВ.**
*Хоразм вилояти.*

## ВАЗИРЛИКДА ҚАБУЛ

Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХҚ) делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ташриф буюрди. Делегация таркибида Қўмитанинг мамлакатимиздаги минтақавий вакили Пьер-Андре Коно ва координатори Стефан Сокалян бор.

2-бет

## ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Республика ИИВда АҚШ федерал ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи – Наркотикларга қарши кураш бошқармаси (ДЕА) делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

## САҲИФАДА – МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ



4-бет

## ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Газетамизнинг ўтган сонида республика ИИВ ЁХББда 2001 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтганлиги ҳақида хабар берган эдик. 3-саҳифада ана шу ҳисобот йиғилишида муҳокама қилинган масалалар, билдирилган фикрлар билан батафсил танишасиз.

Халқаро алоқалар



# ВАЗИРЛИКДА ҚАБУЛ

**Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХҚ) делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ташриф буюрди. Делегация таркибида Қўмитанинг мамлакатимиздаги минтақавий вакили Пьер-Андре Коно ва координатори Стефан Сокалян бор.**

Меҳмонларни республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов қабул қилди. У Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси дунё миқёсида катта обрўга эга эканлигини қайд этди. Вазир ташкилот ўз фаолиятида инсонпарварлик, меҳр-шафқат тамойилларига амал қилишини жаҳон халқлари яхши билишини таъкидлади.

Ўзбекистонда ҳам одамлар ХҚХҚнинг кўп қиррали ва фойдали фаолиятидан яхши хабардор, буни қадрлашади. Унинг асосий иш йўналишларидан бири маҳкумларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. ХҚХҚ вакиллари кўплаб мамлакатлардаги жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳкумлар учун яратилган шарт-шароит билан танишишади, уни яхшилаш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиб, ўзлари тўплаган ахборотларни мазкур соҳага масъул бўлган идораларга тақдим этишади.

Вазир меҳмонларга самарали ишлашлари учун барча шароитлар яратилишини айтди. Улар ўзаро келишилган режага мувофиқ республика ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли муассасаларга ташриф буюришади.

Делегация раҳбари Пьер-Андре Коно самимий қабул ва ХҚХҚ фаолиятига берилган юксак баҳо учун миннатдорчилик билдирди.

Ўзбекистонда Қўмитанинг ваколатхонаси етти йилдан буён фаолият кўрсатади. ХҚХҚ нодавлат, сиёсатдан холи ташкилот бўлиб, унинг асосий вазифаси ёрдамга муҳтожларга кўмак беришдир. Ташкилот вакиллари жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти, у ердаги маҳкумлар билан суҳбатлашиб, тўплаган ахборотларини республика ИИВга тақдим этиш ниятидалар.

Суҳбат чоғида республика Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

**Республика ИИВда АҚШ федерал ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи – Наркотикларга қарши кураш бошқармаси (ДЕА) делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Делегация таркибига кирган ДЕА халқаро фаолияти раҳбари М. Вигил, махсус ёрдамчиси Т. Канон, Исломободдаги минтақавий вакили А. Стамм ва махсус агенти М. Маховларни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов қабул қилди. У Ўзбекистондаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар гиёҳвандлик вабосига қарши кураш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида гапириб берди.**

Б. Матлюбов делегация аъзоларини ички ишлар идораларининг гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашга ихтисослашган бўлинмаларининг тузилиши билан таништирди. У шунингдек, меҳмонларга ҳар йили бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, манфаатдор ташкилотлар, жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда кенг миқёсда ўтказиладиган “Қорадори” тадбири якунлари ҳақида маълумот берди.

Сўнгги йилларда АҚШ ва Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ҳамкорлик кенгаяётганини ва чуқурлашаётгани мамнуният билан қайд қилинди. Айниқса, америкалик мутахассислар томонидан АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўқув марказларида бизнинг ходимларимиз учун ўқув-услубий семинарлар ташкил этилгани, замонавий криминалистик техника билан таъминлаш борасида ёрдам кўрсатилаётгани таъкидланди.

М. Вигил ўз навбатида Ўзбекистонга ҳозирги ташрифига юртимизда ДЕАнинг доимий ваколатхонаси очилаётгани сабаб бўлганини айтди. Шу пайтгача жаҳоннинг 56 мамлакатида 77 ваколатхона фаолият кўрсатарди. Энди Ўзбекистон ҳам ана шу мамлакатлар қаторига қўшилди.

Ўзаро фикр алмашув чоғида муҳокама қилинган барча масалалар бўйича умумий фикрга келинди. Бундан буён ДЕАнинг Ўзбекистондаги вакиллари республика ИИВдаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда ўзаро расмий ва махфий ахборот алмашувни амалга оширадиган, бу йўналишдаги умумий курашда кучларни мувофиқлаштирадиган бўлишди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ наркотрафикка ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Жўраев қатнашди.

**Ўз мухбиримиз.**

# МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва ЖИЭББ бирлашган касаба уюшмалари фаолларининг семинари бўлиб ўтди.**

Касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар, техника хавфсизлиги бўйича муҳандислар ҳамда кадрлар билан ишлаш бўйича инспекторлар иштирок этдилар. Тадбир меҳнат қонунчилиги масалаларига бағишланди.

Семинар иштирокчилари меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш, шунингдек корхоналарда меҳнат муҳофазаси масалаларини кўриб чиқдилар. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитасининг инспекторлари Х. Маҳмудов, С. Зуфарова, Л. Ҳасановалар сўзга чиқиб, амалдаги қонунчилик талаблари нуқтаи назаридан зарур маслаҳатлар беришди. Шунингдек, семинар иштирокчиларини қизиқтирган қатор саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

Семинар ишида республика ИИВ ШТБИХ масъул ходимлари, ИИВ ва ЖИЭББ бирлашган касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари Х. Жалилова ва Н. Кулага иштирок этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

**Республика Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмаси қошида қўриқлаш сигнализация воситаларини ўрганиш, уларни жорий қилиш бўйича маслаҳат техник кенгаши тузилди.**

# ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Республика қўриқлаш бўлинмалари фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг узвий бир бўлаги сифатида ташкил этилган ушбу кенгаш ўзининг дастлабки йиғилишини ўтказди. Унда “Vinland”, “Телда Таш”, “Строительные технологии”, “Sistem servis” қўшма корхоналарининг вакиллари иштирок этдилар. Кенгашда асосий вазифалар белгилаб олинди.

ИИВ Қўриқлаш бирлашмаси бошлиғи, милиция полковниги А. Юсупов кенгашда сўз олиб, жумладан шундай деди:

– Ҳозирда қўриқлаш хизмати вазифаларининг миқёси ва даражаси ўзгариб, кенгайиб бормоқда. Энди қўриқлаш ходимларининг зиммасига хавфсизлик масалалари ҳам юклатилмоқда. Бунда эса техника воситалари жуда қўл келади. Техник кенгаш кичик муаммолар билан ўралашиб қолмаслиги лозим. Унинг асосий вазифаси – республикада қўриқлаш сигнализация воситалари бўйича асосий йўналишларни белгилаб бериш, бу борада мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш корхоналарига қандай буюртмалар беришни аниқлаш ва шу каби муҳим масалаларни ҳал этишдан иборат...

Маълумки, Тошкент шаҳрида радиоқўриқлаш тармоғининг синови бошлаб юборилган эди. Кенгаш йиғилишида ушбу тармоқнинг дастлабки босқич натижалари муҳокама этилди ва уларни давом эттириш борасида қарор қабул қилинди. Шунингдек, Фарғона шаҳридаги фирма томонидан тақдим этилаётган радиоқўриқлаш тармоғи синовини ўтказишга ҳам келишиб олинди.

Йиғилишда қўшма корхоналарнинг вакиллари сўз олиб, республикамиздаги ишлаб чиқариш жабҳаларида тайёрланаётган, олиб келинаётган қўриқлаш сигнализацияси тармоқлари, уларнинг ўзига хос томонлари хусусида гапириб, бу борадаги ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**И. ШОМУРОДОВ.**

# ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

**Андижон туманидаги академик лицейда вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, вояга етмаганларни касбга тайёрлаш, ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича давлат ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштиришга бағишланган вилоят илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Анжуманда шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари масъул ходимлари, милиция ва прокуратура вакиллари, халқ таълими муассасаларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.**

Семинарда сўзга чиққанлар вояга етмаган ёшлар билан ишлашда тўпланган тажрибалар, бу борадаги долзарб вазифалар, муаммолар ҳақида тўхталдилар.

Семинар иштирокчилари эътиборига Андижон туманида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳавола этилди. Тўпланганлар 47-ўрта мактаб, Куйганёр бозорида ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида бўлишиб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни иш билан таъминлаш масалалари қандай ҳал этилаётганини ўргандилар.

# РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг яқинда ўтказилган мажлисида “Хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида учраётган нохуш ҳолатлар ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш” масаласи муҳокама қилинди. Бу ҳақда вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси М. Иминов ва вилоят ички ишлар бошқармаси ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи, милиция полковниги А. Сатторовларнинг ахборотлари тингланиб, атрофлича муҳокама қилинди.**

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Шамсибоева мажлисни якунлар экан, хотин-қизлар қўмиталари ва улар билан ҳамкорликда ишловчи нодавлат ташкилотлари раҳбарлари эътиборини хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш, улар устидан назорат ўрнатиш зарурлигига қаратди.

Мажлисда раёсат аъзоларининг янги иш режалари белгилаб олинди.

**Б. КЛЕЙМАН.**
*Андижон вилояти.*

# ОЛОВ — ЭҲТИЁТ БЎЛМАГАНГА ЁВ

Шу йилнинг 10 февралига қадар вилоятимиз ҳудудида 185 та ёнғин содир бўлиб, уларнинг қарийб 70 фоизи фуқаролар хонадонларига тўғри келди. Шахсий уйларда ёнғинлар аксарият ҳолларда маст ҳолда ўринда сигарет чекиш, унинг қолдиқларини ўчирмасдан дуч келган жойга ташлаб юбориш, болаларнинг гугурт, олов ўйнашлари, газ ва электр иситиш анжомларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқмоқда. Бизни ташвишга солаётган асосий муаммолардан бири – газ мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида чиқаётган ёнғинлардир.

Январь ойида вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари фуқаролар уйларини текширишган вақтида 325 та хонадонда газ асбоблари ўзбошимчалик билан резина ичак орқали уланганлиги, 261 уйда носоз дудбурондан, 815 та уйда носоз газ қурилмаларидан фойдаланилаётганлиги аниқланди.

2 январь куни Ўртачирчиқ тумани Янги турмуш жамоа хўжалиги Дўстлик маҳалласида истиқомат қилувчи А. Раҳимовлар уйида ёнғин содир бўлиб, 80 квадрат метр майдонда уйнинг томи, шифти ва жиҳозлари ёнган. Сабаби, печ мўриси носоз бўлган.

16 январь куни Бўстонлиқ тумани Искандар қўрғони Ф. Хўжаев кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро эҳтиётсизлиги оқибатида уйида ёнғин содир бўлиб, ҳалок бўлган.

8 февраль куни Зангиота тумани Иттифоқ фуқаролар кенгаши Олим бува маҳалласида истиқомат қилувчи Ш. Улуғхўжаев уйида ёнғин содир бўлиб, 100 квадрат метр майдонда томи, шифти ва уй жиҳозлари ёнган.

Афсуски, шундай нохуш ҳодисаларни кўплаб мисол қилиб келтириш мумкин. Бу билан жабрдийдалар ярасини янгиламоқчи эмасмиз. Мақсадимиз — бошқалар тегишли хулоса чиқаришсин.

Қишки иситиш мавсумида уй-жойларда газ ва иситиш асбобларидан тўғри фойдаланиш, носоз газ ускуна ва баллонларидан фойдаланмаслик, уйларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш муҳимдир.

**Р. СУЛЕЙМАНОВА,**
*ички хизмат лейтенанти.*
*Тошкент вилояти.*

Муҳокама, мунозара, режалар

# ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Газетамизнинг ўтган сонида республика ИИВ ЁХББда 2001 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтганлиги ҳақида хабар берган эдик. Қуйида ана шу ҳисобот йиғилишида муҳокама қилинган масалалар, билдирилган фикрлар билан батафсил танишасиз.**



Бошқа соҳаларда бўлгани сингари ёнғин хавфсизлиги тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги хизматини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди. Унга мувофиқ аҳоли яшаш жойлари, маданият масканлари ва иқтисодиёт объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масаладир. Қарор талабларини бажаришга тегишли давлат маҳкамалари, айниқса, ички ишлар идоралари ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари, шу жумладан, Ёнғин хавфсизлиги хизмати жавобгардирлар. Мазкур ҳужжатда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни бажармаслик давлатимизнинг иқтисодий хавфсизлигига, тараққиётига, стратегик манфаатларига таҳдид солиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Шу йил 6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасида ўтказилган ҳисобот йиғилиши ҳам 2001 йил давомида бу борада амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланди.

Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев йиғилишни очар экан, Ёнғин хавфсизлиги хизматида ўтказилган ислоҳотларнинг натижалари, амалга оширилган ишлар, йил давомида эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар, тизим олдида турган масъулиятли вазифалар устида тўхталди. У хизмат ходимлари мавсумий "Ғалла", "Пахта" каби кўплаб тадбирларда қатнашиб, ёнғинларнинг олдини олиш ва содир бўлган ҳолларда уларни ўчириш билан бир қаторда бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олиш, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ишларига ҳам катта ҳисса қўшаётганликларини таъкидлаб ўтди.

Маърузачи республика ҳудудида жойлашган маскан ва муассасаларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ва тунги вақтда хизматчилар ёнғин хавфсизлигига қаратилган талабларга қай даражада амал қилишларини текшириш натижаларига барчанинг эътиборини жалб қилиб, жумладан шундай деди:

– 2001 йилда содир бўлган ёнғинлар сони 2000 йилга нисбатан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли масканларда 44 фоизга, Маданият ишлари вазирлигига қарашли масканларда 20 фоизга, Халқ таълими вазирлиги масканларида 20,3 фоизга, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли иншоотларда 3,3 фоизга, "Ўзбекэнерго" ДАКга қарашли объектларда 8,9 фоизга, Давлат қурилиш ишлари қўмитаси масканларида 72,7 фоизга, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги объектларида эса 20,5 фоизга камайишига эришилди. Бу ютуқларда, ўйлайманки, ИИВ ЁХББ ва унинг қуйи тизимлари томонидан ўтказилган текширувлар, хусусан, тунги текширувларнинг салмоғи катта.

Ҳозирда ёнғинларнинг олдини олиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида аҳоли турар жойлари, стратегик аҳамиятга эга бўлган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган самарали профилактик ишлар ташкил этиляпти. Аввало, мураккаб ва узоқ давом этувчи, мамлакат хавфсизлиги ва иқтисодиётига катта зарар келтирадиган ёнғинларга сабаб бўладиган ҳолатлар ўз вақтида аниқланяпти, бартараф этиляпти, ишлаб чиқариш ва бошқа объектларда ёнғинга қарши текширишлар сифатли ўтказиляпти. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда ёнғин хавфсизлиги хизмати олдига жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари, Давлат бошқарув идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг авария-қутқарув хизматлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув идоралари ва "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмалари билан самарали ҳамкорлик ташкил этиш каби бир қатор асосий вазифалар қўйилган.

Ҳукумат Қарори талабларидан келиб чиқиб, республика Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларидаги лавозимларни юқори малакали, бой амалий иш тажрибасига эга ҳалол, виждонли ходимлар билан жамлаш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қайта ишлаб чиқиляпти. Бошқа йўналишлар бўйича, айниқса, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида ташкилий ишлар амалга оширилди.

Аммо ўтказилган ижобий ишларга қарамасдан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятларида тизим учун маҳаллий бюджет ҳисобидан бино, иншоот ёки мақсадли маблағлар ажратиш, ўт ўчириш автомобиллари харид қилиш каби масалаларни ҳал этишда оқсаб келинмоқда. Ҳокимликларга эски, авария ҳолатига келиб қолган бинолар ўрнига янги бино қуриш, бунинг учун зарур миқдорда маблағ ажратиш, капитал таъмирлаш, ўт ўчириш автомобилларини эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи билан таъминлаш, янги ўт ўчириш автомобилларини харид қилиш масалалари юзасидан киритилган таклифлар ҳали ҳам ўз ечимини топа олмаяпти.

Маърузада бошқа масалалар билан бир қаторда республика миқёсида сув таъминотини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар, ёнғинларни қайд этиш, улар бўйича суриштирув ишлари талаб даражасида бўлмаганлиги туманларда жойлашган масканларнинг айримлари рўйхатга киритилиб, ҳисобга олинмаганлиги ва ёнғин назорати ходимларининг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятларида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Қўлдошев ўз сўзида тизим томонидан амалга оширилган ишлар туфайли республикада ёнғинлар сони 2000 йилга нисбатан 558 тага ёки 3,4 фоизга камайганлиги, уларда инсонларнинг тан жароҳати олиш ҳолатлари 117 тага ёки 9,8 фоизга камайганлигини таъкидлаб, бу борадаги бошқа ютуқ ва камчиликлар хусусида ҳам гапириб ўтди. Жумладан, ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғин назоратини ташкил этиш бўйича ходимлар томонидан 2001 йил давомида рўйхатга олинган 182241 та корхона, муассаса, ташкилот, хўжаликларнинг 123669 тасида тўлиқ, 81576 тасида қайта, 22844 тасида тезкор текширишлар ўтказилди. Бундан ташқари 4 млн.дан зиёд аҳоли яшайдиган уйларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган ёхуд ёнғин назорати хизматлари кўрсатмаларини бажармаётган 112683 раҳбар, жавобгар шахслар ва фуқаролардан 153051466 сўм миқдорида жарима ундирилди. Зудлик билан бартараф этилмаслиги ёнғин содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган 39936 та корхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилган, 187491 та электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланган. Республикада ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммо, камчилик ва нуқсонлар бўйича республика Вазирлар Маҳкамасига 11 та, вилоят ҳокимликларига 210 та, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда бошқа ташкилотларга 9670 та ахборот, маълумотнома ва тақдимномалар киритилди. Кенг омма орасида ташвиқот- тарғибот, тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида республика ва маҳаллий телевидениелар орқали кўрсатувлар, радиотармоқлар орқали эшиттиришлар, матбуот саҳифаларида мақолалар чоп этилиши ташкил этилди. Ҳудудий ва маҳаллий Давлат ёнғин назорати хизматлари томонидан газ идоралари ва бошқа хизматлар билан ҳамкорликда ёнғинларнинг олдини олиш бўйича ҳар хил эслатма, плакат ва паннолар тайёрлаб тарқатилди.



Халқ хўжалиги масканларида 7160 маротаба тунги навбатчиликни ташкил этиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари ҳолати текшириб чиқилди. Тоифаланган, ҳаёт маромини таъминловчи масканларда 1026 маротаба амалий ёнғин-тактик машқ ва машғулотлари ташкил этилди. Ўт ўчириш қисмлари навбатчи қоровулларининг жанговар ҳолатини назорат қилиш мақсадида 4925 маротаба текширишлар ўтказилди. Террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида меҳмонхоналар, ётоқхоналар, дала ҳовлилари, омборхоналар, айниқса, кимёвий ва заҳарли моддалар сақланадиган жойларда, касалхоналар, боғчалар, ўқув масканлари, бозорлар, кўп қаватли уйлар ва аҳоли турар жойларида қайта текширувлар ўтказилди.

Маърузада асосий эътибор фақат эришилган ютуқларгагина эмас, балки ҳанузгача йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам қаратилди.

Хусусан, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳалигача етарли даражада ижобий самара бермаётганлиги, натижада Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида содир бўлган ёнғинларда инсонларнинг ҳалок бўлиши ҳолларининг кўпайганлиги қайта таъкидлаб ўтилди.

Шундан сўнг айрим вилоятлар ёнғин хавфсизлиги хизмати раҳбарларининг йўл қўйилаётган камчиликларни тузатиш ҳақидаги ҳисоботлари тингланди ва уларнинг олдиларига иш фаолиятларини яхшилаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Ҳисобот йиғилиши қатнашчилари хизмат соҳасидаги камчилик ва нуқсонларни, аҳоли турар жойларидаги ёнғинлар сони ва бу ёнғинларда инсонларнинг тан жароҳати олиб, ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳали ҳам юқори даражада эканлигини қайд этишди. 2002 йилда аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш борасида комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бошқа хизмат соҳалари билан ҳамкорликда учрашувлар ўтказиш, эслатма, қўлланма ва бошқа тарғибот воситаларини тайёрлаш ҳамда тарқатилишини таъминлашни асосий вазифа этиб белгилашди.

Эришилган ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунга бошқа юқори ташкилотлар ҳам катта ҳисса қўшиб, ёрдам бериб келмоқдалар. Навоий, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳокимликлари туманларда жойлашган ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари биноларини таъмирлаш ва янги биноларни барпо этиш, ўт ўчириш воситаларини харид қилишлари учун маблағлар ажратишяпти. Бундан ташқари, республика ёнғин хавфсизлиги хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида комплекс дастур ишлаб чиқилиб, унга асосан республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси, "Ўзавтосаноат" ассоциацияси, "Самкочавто" ва Украина Республикасининг "Пожмашина" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Титал" компанияси билан ҳамкорликда ўт ўчириш автоцистерналари ишлаб чиқилиши бўйича шартнома тузилди. Юртимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг изчиллик билан олиб борилиши ва энг муҳими, тўғри ташкиллаштирилиши барча соҳаларда бўлгани сингари республика Ички ишлар вазирлигининг Давлат Ёнғин хавфсизлиги хизматида ҳам туб бурилишларга олиб келиши табиий.

Шундай қилиб, ўтказилган йиғилишда Ёнғин хавфсизлиги хизматлари томонидан ўтган йил давомида амалга оширилган ишларнинг натижалари атрофлича муҳокама этилди. Унда яқин келажакда ёнғинларнинг олдини олиш, республика ҳудудларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

**Д. ҚАМБАРОВ,**
*ички хизмат катта лейтенанти.*

**Суратларда:** йиғилишдан лавҳалар.

UCHINCHI OLAM + TV

«Постда» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

# ОҚ ИЛОН, ОППОҚ ИЛОН...

**Жониворлар турли-туман бўлгани сингари, уларнинг феъл-атвори ҳам турфа бўларкан. Одамларни табиатига кўра ҳар хил ҳайвонларга қиёслаш шу боисдан бўлса керак...**

**Қизиқ-да. Кўпчилик одамлар махлуқотлар ичида айниқса илонлардан қўрқишади. Бу судралиб юрувчи жониворга кўзи тушган аксар кишининг эти сесканиши табиий. Яна бўлса унинг яхшилиги, гўзаллиги, сеҳру жодуси, илон парилар, арвоҳ илонлар ҳақида бири-биридан ажойиб эртагу ривоятлар, мақоллар тўқишади. Илон образини ҳатто шеъру қўшиқларда ҳам учратиш мумкин.**

**Оқ илон, оппоқ илон,**
**Ойдинда ётганинг қани?**
**Мен ёмондан айрилиб,**
**Яхшини топганинг қани? –**

**деб бошланувчи халқ ашуласини кўпчилик яхши билади. Хуллас, одамларнинг илонларга муносабати ўзгача, айтиш мумкинки, зиддиятли, қарама-қарши.**

**Қуйида ана шу табиат мўъжизаси бўлган ғаройиб махлуқот ҳақида айрим ҳикоятларни, воқеаларни келтирамиз.**

## ЎЧ–ҚАСОС ИШТИЁҚИ

Илонлар жуфти бир-бирига жуда садоқатли бўлади, дейишади. Болалигимда эшитган бир ҳикоят ҳамон эсимда. Кунлардан бир кун қўй боқиб юрган чўпон офтобда тобланиб ётган илонларни кўриб қолади. Қўлидаги таёғи билан улардан бирини уриб ўлдиради. Иккинчиси эса қочиб кетади.

Шундан сўнг чўпоннинг кўнглига ғулғула тушади. У илоннинг ўч олишидан чўчиб сурувини бошқа яйловга ҳайдаб ўтиб кетади. Бу ерда ҳам қўйчивонни қўрқув-хавотир тарк этмайди. У ҳар гал ечиб қўйилган кийимини кийишдан олдин обдон текширади.

Бир сафар ўтовидан чиқиб, ташқарида ечиб қўлдирган этигини киймоқчи бўлиб ичига қараса, ҳалиги илон кулча бўлиб ётибди. Чўпон дарҳол унинг бошини эзиб, сўнг енгил тортади.

Ҳикоят кўнглимда оғир бир таассурот қолдирган. Қайдам... Эҳтимол, у шундан сўнг илонлар таъқибидан қутулгандир. Балки, бошқа бир илон чўпондан ўч олгандир. Нима бўлгандаям, зарурат бўлмаса одамзод чумолига ҳам озор бермаслиги керак деб ҳисоблайман.

## САДАФ

Умуман, илоннинг сеҳри, макри ҳақида эл орасида ҳар хил миш-мишлар юради. Баъзи бир тоғли жойларда жуда улкан, одамхўр илонлар ҳам бўлади, дейишади. Улар кишини гўёки алдаб-авраб домига тортар эмиш. Бунинг учун эса ўша одамнинг исмини билса кифоя экан.

Айтишларича, илоннинг сеҳру жодуси кучини кеткизиш учун эса жониворнинг исмини топиш керак бўларкан. Керакли дуоларни ўқиб, бунинг уддасидан чиқа оладиган муллалар ҳам бўлади дейишади.



Шу хусусда эшитган икки ҳаётий воқеани ҳикоя қилиб берай.

... Бир куни тоғ этагида яшовчи икки йигит тоққа чиқадиган бўлишибди. Асл исмларини ошкор этмаслик учун бир-бирларига ёлғондакам исмлар қўйиб, келишиб олишибди.

Тоғ-тошларни айланиб юришганида, йигитлардан бири шошиб шеригини асл исми билан чақириб юборибди. Бир пайт қараса, ўртоғи нариroқдаги ғор томон кетаётган эмиш. Ғор оғзидан эса каттакон илон бошини чиқариб, жағларини очиб, вишиллаб тилини чиқариб турган экан.

Йигит қўрқиб кетиб шеригига:

– Ҳой, қаёққа кетяпсан? – дебди.

– Анови қизни кўрмаяпсанми? – кулармиш шериги. – Ҳов ана, ғор олдида. Қўл силкиб исмимни айтиб мени чақиряпти.

– Ахир, у илон-ку. Ҳазиллашяпсанми? – жон ҳолатда бақирибди йигит.

– Қўйсанг-чи. Нима, қиз билан илоннинг фарқига бормайманми, – дея шериги кулиб йўлида давом этаверибди.

Қўрқиб кетган йигит унинг йўлини тўсиб, икки билагидан маҳкам сиқиб бор кучи билан силтаб ерга йиқитибди. Қараса, шериги шишиб кетаяпти. Ҳатто кўйлагининг ёқаси тор келиб, бўйнини бўғаётган эмиш. Йигит тепадаги тугмани ечишга зўр бериб уринибди, лекин тугма ҳадеганда ечилавермабди. Йигит хуноби чиқиб:

– Нима бало, тугманг садафданми? – дейиши билан шериги шишишдан тўхтаб, аста-секин ўз ҳолига қайта бошлабди.

У апил-тапил ўрнидан туриб қараса, ғор оғзида қиз эмас, баҳайбат илон турган экан. Силкинаётган эса қизнинг қўли эмас, илоннинг тили экан. Зукко газетхон илоннинг лақаби Садаф бўлганини англаб етгандир, албатта.

## ДУОНИНГ КУЧИ

Қуйидаги ярим афсонавий воқеани ҳам тоғли қишлоқлардан бирида бўлган, дейишади. Одамлар бир баҳайбат илоннинг дастидан қўрқиб қорли тоғ сўқмоғига йўлай олмай қолишибди. Ахири вакиллар шу қишлоқлик мулланинг олдига боришибди. У аввалига илоннинг жодусидан чўчиб унамабди. Ҳамқишлоқлари ялинавериб қўйишмагач сеҳр-жоду дуосини ўқишга рози бўлибди.

Айтишларича, мулла эрта тонгдан ўқишни бошлабди. Орада дам олиб, нафасини ростлаб аср пайтигача ўқибди. Охири қора терга ботибди.

Кун шомга яқинлашган пайт одамларнинг кўзи тоғдан қишлоқ томон судралиб келаётган улкан, ваҳимали илонга тушибди. У ҳеч қаёққа бурилмай тўғри мулланинг уйи томон кетаверибди. Мулла бўлса олдида ёниб турган шамга, идишдаги сувга тикилганча ўқийверибди.

Қишлоқ аҳли – ёшу қари воқеа нима билан тугашини кутиб нафасини ичига ютган. Одамларнинг шивир-шивири, вағир-вуғури, аёллару болаларнинг чинқириғи қулоғига кирса ҳам мулла парво қилмас, пинагини бузмасмиш.

Ниҳоят илон қоринининг эшиги олдига келганда бошини остонага қўйиб ўлиб қолибди. Катталар секин яқинлашиб қарашса, у узунасига тарс иккига ёрилган экан...

# ИЛОНГА "АСИР" БЎЛГАН ОШПАЗ

**Самарқандлик Анвар Ғуломовнинг хати ҳам мавзуимизга ҳамоҳанг чиқиб қолди. Келинг, ушбу мактуб билан ҳам танишинг.**

"Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бир маҳалладошим Афғонистонда ҳарбий хизмат ўтаган эди. У илон билан боғлиқ, ибратли бир воқеани ҳикоя қилиб берганди.

Ҳарбий жамоалари Қандаҳор яқинидаги қишлоқлардан бирида жойлашган экан. Ошпаз бўлиб хизмат қилаётган ҳамқишлоғим ҳар куни эрталаб қишлоқдан тахминан бир чақиримча наридаги сойдан кажавали мотоциклда сув олиб келаркан.

Кўклам пайти. Сув сатҳи кўтарилган. Соҳил бўйида илон ини бўлган. Энди тухумдан чиққан илончалар сувда ғарқ бўлмасин деб, маҳалладошим уларни тепаликка олиб чиқиб қўйган. Кейин идишларини сувга тўлдириб, бўлинмасига кетган.

Орадан бир ойлар вақт ўтган. Ошпаз одатдагидек сувга келган. У энди идишларини тўлдираётганида, узун бир илон келиб оёғига ўралган. У шу зайлда икки соатча йигитни "асирлик"да ушлаб турган. Сўнг "асири"нинг оёқларини бўшатиб, судралиб чакалакзорга кириб кетган.

Ранги оқарган, нафаси бўғзига тиқилган ошпаз идишларини уловига ортиб, бўлинмасига шошган. Келса, бу ердаги манзара ўзи бошидан кечиргандагидан ҳам даҳшатли экан. Аскарлардан фақат уч кишигина оғир яраланиб омон қолган. Бошқалар қириб ташланган, Ҳамма ёқ портлатилган, ёндирилган. Илоннинг асири бўлган маҳали йигит қўрққанидан, ҳаяжонланганидан ҳатто ўқ овозию портлаш товушларини ҳам эшитмаган экан.

Илон ўз болаларининг халоскорига шу тариқа



миннатдорчилик билдириб, унинг ҳаётини сақлаб қолган эди. Ота-боболаримиз: "Яхшилик қилсанг, яхшилик қайтади" деб бежиз айтишмайди".

*Саҳифа материалларини Б. ТОШЕВ тайёрлади.*

Ҳажвия

# КРОССВОРД

Кейинги вақтда бир хасталикка чалиниб қолдим. Бу касталик анча жиддий бўлиб, мени туну кун таъқиб этмоқда. Дарддошларимнинг сони кун сайин шиддат билан ўсиб бормоқда. Ажаб эмаски, яқин келажакда бу дард бутун ер юзини эгаллаб олса.

Ҳой, ҳой, ҳой! Агар мени СПИД ёки гиёҳвандлик дардига мубтало бўлибди, деб ўйлаётган бўлсангиз, нафасингизни ел олсин! Касалим – турли хил бошқотирмаларга ишқибозлик касали. Уларнинг тури кўп. Кроссворд, сканворд, криптограмма, чайнворд, чайнкроссворд, суперкроссворд... Овора бўлиб пайпоғингизни ечиб юрманг. Бошқотирмалар турини санаш учун қўлларингизнинггина эмас, оёқларингизни бармоқлари ҳам барибир етмайди. Ҳозирда катаклар ичига яширинган сўзларни топишга уринаётган одамларни ҳар ерда: автобусда, трамвайда, метрода ва ҳаттоки... табиий зарурат юзасидан бориладиган жойларда ҳам учратиш мумкин. Агар менга кимдир қор одамни кўрдим деса ишонаман, лекин бирорта бошқотирмаси бўлмаган ойнома ёки газетани ўқидим деса, сираям ишонмайман.

Узоқ ўтмишда қиз тарафдагилар бўлажак куёвни тўнка ёрдириб синаб кўрар эканлар. Энди ундай эмас, замон ҳам, одамлар ҳам ўзгарган. Эшитишимча, ҳозир куёвликка даъвогарлар айрим жойларда қиз томондан берилган кроссворд ёки чайнворд катакларини тўғри жавоблар билан тўлдиришлари шарт эмиш.

Ҳа, бу телба дунё деганлари рост. Яқинда дунёнинг ярмини айланиб чиққан жаҳонгашта бир дўстим айтиб қолди. Қайсидир чет мамлакатдаги нуфузли бир фирма турли бошқотирмалар муҳрланган турфа кийимлар: кўйлак, шим, куртка ва... сийнабанд ишлаб чиқара бошлабди. Ўша юртнинг аёллари бунга жавобан норозилик намойиши билан чиқишибди. Гўёки эрлари сийнабанддаги бошқотирмани ечиш билан овора бўлиб қолишаётган экан. Ана шунақа гаплар...

Бугун дам олиш куни. Наридан-бери нонушта қилдим-да, ҳар хил газета-журналлардан қирқиб олинган бошқотирмалар билан лиқ тўла папкани қўлтиқлаб меҳмонхона томон эндигина юрган эдим ҳамки, хотиним йўлимни тўсди:

– Хўш, йўл бўлсин?

– Бирпас ақлимни чархлай, – хотинимни айланиб ўтмоқчи эдим, у йўл бермади. – Ақл бўлса чархлайсиз-да. Ергина ютсин ўша кроссвордларингизни. Улар мана шундай жонимга тегди, – хотиним қўлини томоғига қўйди. – Ҳали замон уйингизни меҳмонлар босай деб турибди-ку, сизнинг парвойингизга ҳам келмайди. Мана сумка, бозорга чопинг. Оббо, намунча имиллайсиз. Бозорда ҳам аммамни бузоғи бўлиб юрсангиз, ҳамёнингиздан айриласиз. Эркак деганни товонидан ўт чақнаса-да?

Хотинимни болахонадор қилиб сўкишга чоғландим-у, лекин кечаги кроссворд саволи ёдимга тушди.

"Инсон танасининг аъзоси. Серғайрат кишиларнинг ўша аъзосидан ўт чақнайди (кўчма маънода)".

То-вон! Ия, ғирт ўзи-ку. Энига ҳам, бўйига ҳам тўғри келади. Яшавор хотин?

Папка ичидан газета бўлагини олиб ундаги кроссвордга "товон" деб ёздим-да, уни чўнтагимга солиб қўйдим.

Йўлакдан чиқар эканман, уйимиз олдидаги ўриндиқда уззу-кун ўтириб олиб ўтган-кетганни ғийбат қиладиган икки хотинга кўзим тушиб таъбим тирриқ бўлди.

– Ҳой, эгачи? Манави йигит бешинчи қаватда яшайдиган Шоҳидахонни эрими? – аёлларга салом бериб ўтар эканман, улардан бирининг гапи қулоғимга чалинди. – Бечора зап мўмин йигит-да. На ичади, на чекади? Ўзиям қўйдек ювош, боёқиш.

– Э, нимасини айтасиз, – иккинчиси унинг гапини илиб кетди, – Шоҳидахон пардоз-андоздан бўшамайди. Эрини бир пулга олмайди, уни эшак қилиб миниб олган. Шуни айтади-да, эшакнинг гўшти ҳаром, меҳнати ҳалол деб.

Аёлнинг сўнгги гапи юрагимга наштардек санчилди. Таққа тўхтадим-да, ғазаб билан ортимга ўгирилдим. Аммо шу ондаёқ кроссвордаги иккинчи савол миямга яшиндек урилди. "Уй ҳайвони. Ишчи кучи сифатида фойдаланилади. Лекин гўшти истеъмол қилинмайди".

Эшак. Тўғри, кам бўлмагур кампиршолар, дедим ичимда. Вақтни ўтказмай катакни тўлдирдим-да, йўлимда давом этдим. Уйимдан бозорга бир чақирим ҳам чиқмайди, шунинг учун зум ўтмай етиб келдим.

– Ука, гўштингизни ранги ғалати, сўйган молингиз қарироқ эмасмиди?

– Нималар деяпсиз, ака? – қассоб йигитнинг жаҳли чиқиб кетди. – Қайнингиз қассоб бўлса ҳам, сизга бунақа гўшт бермайди. Мен бу ерда ўт ёқсам, Фарғонада тутуни, деган ашулани эшитганмисиз. Бу гўшт оловда эмас, ўша тутунда ҳам пишаверади, ҳалимдек юмшоқ. Окахон, турқу тароватингиздан гўшт оладиганга ўхшамайсиз. Сиз яхшиси тухум шўрва ичинг, тухум бозори ҳов анави ерда.

Бу беписанд муомаласи учун икки юзидан қон томай деб турган қассобга икки оғизгина нордон гап айтмоқчи бўлдим-у, бехосдан эслаб қолдим:

"Халқ қўшиқларидан бирида тилга олинган шаҳарнинг номи".

Фарғона. Во, ажаб! Худди ўзгинаси. Гўштни сумкага солдим-да, буни ҳам белгилаб қўйдим. Рўйхат бўйича сабзи бозорига ўтдим.

– Ака, сабзингизни мабодо совуқ урмаганми, – сўрадим узунлиги чақалоқнинг сумагидек келадиган, қорамтирроқ сабзининг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрар эканман.

– Гапингни ўйлаб гапир, мулла йигит. Сабзиларни бугун саҳарда кавлаб келганман. Ер тагидаги сабзини совуқ уриши учун камида беш дара-



жа совуқ бўлиши керак, – деҳқон қадоқ қўллари билан шоп мўйловини оҳиста силади-да, заҳархандалик билан деди. – Мен-ку сабзимни сифатига кафолат бераман, аммо-лекин шалвираб юришингдан сен сабзингни совуққа олдирганингга анча бўлганга ўхшайди.

Йигитлик нафсониятимга тегадиган гап қилгани учун қўлимдаги сабзини деҳқонни башарасига отмоқчи бўлдим-у, лекин яна кроссвордаги савол қулоғим остида жаранглагандай бўлди: "Ҳароратнинг ўлчови".

Даража. Бу ҳам тўғри.

– Кам бўлманг, отахон. Хирмонингизга худо барака берсин, – деҳқонни қўлини сиқдим-да, ундан узоқлашдим.

Ваннахонадаги краннинг жўмраги бир неча ҳафтадан бери бузилиб ётган эди. Шунинг учун чеккароқдаги лашлушлар бозори томон юрдим. Жўмракни бутунлигини текшириш усулини бир ўртоғимдан ўрганиб олган эдим. Ерда уюлиб ётган жўмраклардан биттасини олиб маҳкам беркитдим-да, пуфлаб кўрдим.

– Укажон, ишқилиб жўмрагингиздан сув томчиламайдими? – сўрадим. Назаримда жўмрак ҳаво ўтказиб юбораётгандек эди.

Йигит ўрнидан сапчиб турди-да, қўлимдаги жўмракни юлиб олди:

– Ўзимни сўксангиз ҳам майли, лекин жўмракка тил теккизманг. Бу рассийский. Тула деган шаҳарни эшитганмисиз, ана ўша ерда чиққан.

"Тула". Ура! Йигитни қучоқлаб олган эдим, у менга девонага қарагандек ачиниш билан қаради. Шу тариқа рўйхатдаги барча нарсаларни харид қилиб бўлдим. Сотувчилардан кроссвордаги саволларга яна жавоб эшитиб қолармиканман деган илинжда бир қанча рўйхатда йўқ нарсаларни ҳам харид қилиб юборибман. Ичига миқтироқ гавдали икки кишини бемалол жойласа бўладиган сумкани бозор дарвозасидан олиб чиққунимча қора терга ботиб кетдим. Чўнтагимни кавлаб кўрсам, таксида эмас, автобусда кетиш учун ҳам пул қолмабди. Ноилож харажатлар билан лиммо-лим сумкани елкамга ортиб уйга пиёда жўнадим.

Юким ниҳоятда оғир, лекин руҳим тетик эди. Нега хурсанд бўлмай. Бозорда кроссворднинг бир қанча саволларига жавоб топдим. Ахир, бу оддий эмас, мукофотли кроссворд. Ҳамма саволларга тўғри жавоб йўллаган ўқувчига газета ўн минг сўм пул ваъда қилган. Яна бир донагина саволга жавоб топсам бас, ўн минг сўм чўнтагимда деяверсам бўлаверарди. Бугунги кун жуда омадли бўлди-да. Шуни айтади ҳам саёҳат, ҳам тижорат деб.

Ана шундай ширин хаёллар оғушида уйга қандай етиб келганимни сезмай қолибман. Аксига олиб, лифт ҳам ишламаётган экан. Зинадан тепага чиқар эканман, бутун вужудимда, таърифлаб бўлмайдиган даражада чарчоқ сездим. Энди оёқларим ўзимга бўйсунмас, улар янги туғилган бузоқчанинг оёқларидек букилиб-букилиб кетарди. Лекин мен қайсарлик билан юқорига, фақат юқорига интилардим. Ниҳоят бешинчи қаватнинг сўнгги зинасидан кўтарилдим-у, елкамдаги сумкани "гурс" эттириб ерга қўйдим. Юрагим кўксимни ёриб чиққудек қаттиқ урар, ҳансирашим бутун йўлакда акссадо берар эди. Нафасимни ростлаш учун бир зумгина туриб қолдим. Шу пайт қўшни хонадоннинг эшиги қия очилиб, аввал қўшнимнинг шумтака ўғли бошини чиқарди, сўнг қўнғизга ўхшаган бир нарса учиб чиқди-да, оёғим остига келиб тушди. Унинг нима эканини ҳали англаб улгурмасимдан даҳшатли гумбурлашдан бино ларзага келди. Бу қудратли товушдан кўз олдим хиралашиб, борган сари мувозанатимни йўқотиб борар эканман, уйдан югуриб чиққан хотинимни гўё туманлик ичида кўргандек бўлдим.

– Ҳой, адаси, очинг кўзингизни, одамни қўрқитманг!

Зина панжарасига суянган ҳолда қанча ўтирганимни билмайман, юзимга сепилган муздек сувдан бир оз ўзимга келдим. Лекин бошим қаттиқ оғрир, тилим гўё танглайимга ёпишиб қолган эди.

– Бу сени ишингми, Бобур? Бомбани қаердан олдинг? Бунақада бинони портлатиб юборасан-ку!

– Қанақасига бомба бўлсин, кеннойи. Бу Хитойни оддий пақилдоғи-ку! Янги йил кечасидан бир донагина қолиб кетган экан. Агар келаси йилга қолиб кетса, порохи нам тортиб пақилламайдиган бўлиб қолади. Лекин Ҳошимжон акамни бунчалик қуёнюрак деб ўйламаган эдим.

Зумрашанинг гаплари қулоғимга узуқ-юлуқ кираётган бўлса ҳам, бари бир кроссворддаги сўнгги саволни эсладим: "Илк маротоба хитойликлар томонидан кашф этилган портловчи модда".

Мен бу саволни хаёлимдан ўтказдим деб ўйлаган эдим, йўқ, пичирлаб айтган эканман.

– Нима? Нималар деяпсиз дадаси? – хотиним қулоғини оғзимга яқинлаштирди. – Сув ичасизми?

Сўнгги кучимни йиғиб, қалтироқ овозда "Порох" дедиму, ҳушимдан кетдим.

**Ҳ. АБДУРАҲИМОВ.**

# ЖОНИВОРЛАР ДУНЁСИДАГИ ҒАРОЙИБОТЛАР

Ажабо!

**Табиатда қушлар, ҳайвонлар ва ҳашаротлар ҳаётида ғайриоддий ҳодисалар учраб туради. Шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.**

Француз олими Бернард Куртуранинг тажриба ўтказиладиган лабораториясидаги икки колбани мушук синдириб қўяди. Уларнинг бирида сульфат ачитқиси, бошқасида денгиз ўтларидан тайёрланган модда бор эди. Иккала модда аралашиб кетиб, кимёвий реакция юз беради ва жигарранг суюқлик ҳосил бўлади. Бу йод эди. Энди йодни мушук кашф этдими, Бернард Куртурами ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

Маълумки, бўрсиқ уя кавлаш пайтида жамики қаттиқ жисмларни ташқарига чиқариб ташлайди. Бир куни болгариялик бир гуруҳ археологлар ана шу жониворнинг уяси олдида ноёб сопол синиқларини кўриб қолишди. Дарҳол қазиш ишлари бошлаб юборилди. Кўп ўтмай олимлар бу ердан 1900 йил муқаддам Рим легионерлари бунёд этган манзилгоҳни топишга муваффақ бўлдилар.

Ари талаган илон ҳар гал эрмонга чирмашиб аламидан чиққан. Эрмон текшириб кўрилганда у кимёвий моддаларнинг хазинаси эканлиги ойдинлашган.

Уй ҳайвонларидан ит ва эшак касал бўлиб қолса парҳез сақлаши аниқланган. Ит бўкиб қолган боласини тумшуғи, қўллари билан туртиб, думалата бошлайди...

Пума деган жонивор хинин дарахтининг илдизини еб, безгакдан халос бўлган. Қаҳванинг ажабтовур ичимлик эканини эчки маълум қилган.

Ер юзидаги жами қушларнинг энг кичиги – калибридир. У қовоқаридек келади, оғирлиги 1,5 – 2 грамм. Шуниси қизиққи, бу қуш гала-гала бўлиб, баъзан якка тарзда қирғий ёки бойқушга дафъатан човут солади. Ажабо! Гап шундаки, калибрида катта йиртқич қушга ташланишга ундовчи бир "куч" бор. У осмонда ҳар томонга – олдинга, орқага, ёнга ҳам уча олади, шу боис ҳеч балодан тап тортмайди. Бамисоли вертолёт каби бир жойда қимир этмай узоқ вақт тура олади, хавф-хатар туғилиши билан бир зумда кўздан ғойиб бўлади.

Америка Қўшма Штатларининг айрим денгиз соҳилларидаги курортларда махсус ўргатилган дельфинлар қоровуллик қилади. Улар соҳил яқинида сузиб юриб, акулаларнинг пляжга ўтишига йўл қўймайдилар. Ҳатто йиртқич балиқларни чалғитиб, тузоққа тушириб беришади.

Англиянинг Эмворта шаҳрида яшовчи фуқаролардан бирининг гаражини бургут қўриқлайди. Бир куни у машинани ўғринча ҳайдаб кетмоқчи бўлган кишига чанг солди. Ўғри қочиб қолган-у, аммо қушнинг чангалида камзулининг бир парчаси қолган. Талончи шу парчага таяниб топилган.

Думбартонадаги виски сақланадиган омборхона ҳовлисида ўнлаб ғозлар айланиб юради. Уларнинг вазифаси – бочкалардаги спиртни қўриқлашдир. Ҳовлида бегона одам пайдо бўлиши билан "соқчилар" шовқин солиб, атрофдагиларни хабардор қилади.

Нидерландияда мутахассислар помидор экилган жўяклар орасига қуёнларни қўйиб юборишган. Қизиғи шундаки, бу жониворлар бегона ўтларни битта қўймай еган-у, ҳосилга тегмаган. Афтидан, помидор ўсимлиги ва меваси уларга ёқмаган бўлса керак. Натижада Оврўпадаги энг йирик иссиқхоналардан бирига 75 та шалпангқулоқ доимий "ишга" жойлашган.

Таиланд ва Малайзияда ўн минглаб макака маймунлари норжил ёнғоғи терувчиси бўлиб ишлайди. Бу маймунлар дарахтга осонгина чиқиб, 25 метр баландликдаги мевани қўли ёки оёғи билан осонгина узиб оладилар. Улар кунига бир тонна ёнғоқ териши мумкин.

Шри Ланкада филлар "мактаби" бор. Бу ерга беш ёшдан ўн ёшгача бўлган филлар қабул қилинади. Мактабда гимнастика, дала ишлари, оғир юк ташиш, филбон билан муомала қилиш, тўнка суғуриш, ахлоқ меъёрлари ўргатилади, мунтазам шовқинга чидашга кўниктирилади. Ўқишни муваффақиятли битириб, "диплом" олган жониворлар ишга юборилади. "Ўқимишли" филнинг баҳоси 20 минг, оддийсиники эса беш минг рупиядир.

Африкада яшовчи Жако тўтилар орасида энг гапдон ҳисобланади. У юздан ортиқ сўз ва иборани эслаб қола олади, кўп сўзларнинг маъносини тушуниб айтаётгандек туюлади. Масалан, "хайрли тонг", "кўришгунча хайр", телефон жиринглаганда "алло!" дейди. Жако баъзи сўзларни ўн йиллаб, ҳатто бундан ҳам кўпроқ вақт унутмайди.

XVIII асрда Франциядаги Монпельс шаҳрида Бон деган шахс ўргимчак уяси толасидан ўзига бир жуфт пайпоқ ва қўлқоп тўқиган. Орадан юз йил ўтгач француз табиатшуноси Д. Орбиньи шундай толадан кўркамлиги ипакдан қолишмайдиган шим тайёрлаб, одамларни доғда қолдирган. Ўргимчакдан бевосита тола (биттасидан 500 метргача) олиниб, ғалтакка ўралган ҳоллар ҳам бўлган.

Ҳашаротларнинг энг фаоли – чивин. У бир дақиқада 500 марта қанот қоқади. Ниначи 15 километр тезликда уча олади. Айрим қанотли ҳашаротлар ҳид билиш қобилиятига эга. Чунончи, гўшт пашшаси эт ҳидини бир неча чақиримдан билади. Укра қора мол подасини йигирма чақирим ва ундан олис масофадан ҳам сезади. Товус кўзи деган кичкина капалак урғочисининг ҳидини ўн чақирим ва ундан ортиқроқ масофадан билади.

Олов парчасидек учиб юрган қовоғари беҳикмат ҳашарот эмас. Бундан ярим аср илгари француз энтимологи Жан Анри Фабр қовоғарилар учун махсус майдон сотиб олди. Зеро, уларнинг деҳқончиликда нафи бор эди. Омскда ҳам қовоғарилар учун махсус "шаҳарча" барпо этилган. Ўт, гиёҳ, қайинзор ва ўрмондан иборат бу ҳашаротлар қўриқхонасида қовоғарилар яшаши ва кўпайиши учун барча шароит яратилган. Чунки ўт, гиёҳлар, айниқса бедани чанглатишда асосан қовоғариларнинг ўрни катта экан.

Ана шунақа. Турли манбалардан олинган ушбу қизиқарли маълумотлар табиатга меҳр қўйган ҳар бир кишини бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

**С. ШОДИЕВ тайёрлади.**



**Энига:** 1. Ҳарорат. 3. Бировнинг жонига зуғум қилиш. 6. Техника экини. 8. Эрталабки тановул. 11. Туйнук. 12. Миқёс. 13. Қизил. 16. Машҳур ҳинд кинофильми. 18. Ўхшаш. 20. Фарзанд, авлод. 24. Мураббо. 25. ... Делон (франциялик актёр). 26. Адаш. 28. Сабр. 29. Тулки Алисанинг ҳамтовоғи (эртак). 31. Бойлоқсиз. 33. Мулкдор. 34. Салқин ичимлик. 35. "Сўнгги ... ўзингга душман" (ҳикмат). 37. Муттаҳам, аблаҳ. 39. Пулнинг халқдаги атамаси. 40. Мусиқа. 43. Пугачёванинг исми. 44. Бу аёл Одиссейни 20 йил кутган, шунинг учун ҳам унинг образи аёл вафодорлигининг тимсоли саналади. 46. Профессионал кураш. 47. Жиловланмаган от. 48. Мўғуллар фольклоридаги шеър шакли. 50. Бирор нарсанинг қоғоздаги лойиҳаси. 51. Франциядаги кўл. 52. "... рицарь Айвенго ҳақида қисса". 56. Мос. 59. Етти қават кўрпанинг тагидаги нўхатни сезган малика. 61. Энг улуғ неъмат. 62. Ҳавонинг асосий таркибий қисми. 63. Тиланчилик билан шуғулланувчи одам. 64. Ҳарбий кема. 65. Учли. 66. Ички аъзо. 69. Маймунни одам қилган нарса. 71. Одамнинг "устуни". 73. Соғин сигир. 75. Помидорнинг яна бир номи. 77. ... бўлсин, сут берсин. 79. "Қўшув", "айирув", "кўпайтирув", "бўлув". 80. Ота. 81. Ойликнинг акссадоси. 84. Телевизорнинг экрани. 85. Атлантика океанига оқиб тушадиган Португалия дарёси. 86. Одиссейнинг ватани. 87. "...им менинг балодур, ...". 88. Марихуана, қорадори, афюн.

**Бўйига:** 1. Ибоси йўқ. 2. Хоккейнинг ватани. 3. Россиялик машҳур актёр ("Белие Роси", "Огарева-6" б/ф). 4. Ижодий ёзма иш. 5. Франциялик машҳур модельер. 6. Истамай, ўзини мажбур қилиб. 7. Римча ёки арабча. 9. Прозаик, роман ёзувчи, шоир бир сўз билан. 10. Болаларнинг севимли журнали. 14. Уйғурча таом. 15. Безак. 17. Тарбиясиз. 18. "Шаҳзод" гуруҳи, Отабек Мадраҳимов, Анвар Ғаниевларнинг қўшиқлари. 19. Қарорнинг талаби. 21. Қисқа қилиб айтганда "ола-хуржун". 22. Ота-онанинг энг биринчи туҳфаси. 23. Оёқнинг қисми. 27. Аёл (эск.). 28. Бананлар билан озиқланадиган энг йирик какку қуш. 30. Ипнинг "йўлбошчиси". 32. Миллий валютамиз. 33. Арина Родионовна Пушкинга нисбатан. 35. Беҳбудий асари. 36. Ранг. 37. Россиялик машҳур дарвозабон. 38. Осиёдаги миллат. 41. Қудуқ. 42. Бал рақси. 45. Кавказдаги давлат пойтахти. 46. Бир жойда яшамайдиган. 47. Бўйи баланд, дароз. 49. Шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони, математик, файласуф. 53. Оғирлик. 54. Балет атамаси. 55. Ош сузиладиган идиш. 57. Қараш. 58. Удум. 60. Мольернинг "Сохта бемор" комедияси қаҳрамони. 64. Денгиз йиртқичи. 67. Илож. 68. Ақлли, вафодор аёл. 70. Бельгиядаги шаҳар. 72. Акиро Куросаванинг "Мосфильм"да суратга олган ва "Оскар" мукофотига сазовор бўлган фильми "Дерсу ...". 74. Кучли, бақувват. 75. Альпинистларнинг бир қоянинг учидан иккинчисига тоғ қирраси бўйлаб ўтиши. 76. Тирноқ пардози. 77. Рюкю архипелагидаги орол. 78. Лўлиларнинг энг яхши кўрган мусиқий асбобларининг "аждоди". 82. Келиннинг ёки куёвнинг ота-онаси. 83. Тамом.

Тузувчи
**Б. АЗИМОВ.**

## ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СУПЕРКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**Энига:** 1. Мальвина. 3. Мажозий. 6. Мажақ. 8. Шерюрак. 11. Араго. 12, Русум. 13. Габор. 16. Алиса. 18. Сиам. 20. Арзанда. 24. Того. 25. То. 26. Қирқма. 28. Кийим. 29. Қадрдон. 31. Детонатор. 33. Гоа. 34. Ланка. 35. Институт. 37. Тинтув. 39. Жанг. 40. Кимса. 43. Кофе. 44. Биосфера. 46. Песо. 47. Тони. 48. Рельс. 50. Сабзи. 51. Одам. 52. Саскатун. 56. Қарор. 59. Янаги. 61. Роа. 62. Штаб. 63. Даль. 64. Увада. 65. Ислом. 66. Амал. 69. Отишма. 71. Автомат. 73. Ҳазрат. 75. Хачир. 77. Ижро. 79. Бало. 80. Дев. 81. Қаллоб. 84. Беатриса. 85. Лувр. 86. Тафта. 87. Ўжар. 88. Афсунгар.

**Бўйига:** 1. Музокара. 2. "Аншлаг". 3. Миршаб. 4. Жўра. 5. Йена. 6. Минора. 7. Қадам. 9. Кафангадо. 10. Кассио. 14. Асорат. 15. Рота. 17. Саёҳат. 18. Старшина. 19. Матн. 21. Зайтун. 22. Нам. 23. Ақида. 27. Манат. 28. Каклик. 30. Орзу. 32. Тут. 33. Гажак. 35. Иглесиас. 36. Тошбўрон. 37. Тото. 38. Виза. 41. Мусобақа. 42. Реклама. 45. Сармоя. 46. Пистирма. 47. Титр. 49. Сўфизм. 53. Сатҳ. 54. Арбат. 55. Ундош. 57. Радио. 58. Олма. 60. Носоз. 64. Уламо. 67. Мавж. 68. Касод. 70. Марихуана. 72. Табиб. 74. Тореадор. 75. Хавотир. 76. Чемпион. 77. Исқирт. 78. Рельеф. 82. Оила. 83. Обрў.

## ЎТГАН СОНДА ЧОП ЭТИЛГАН СУПЕРКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**Энига:** Ов, увол, муросасиз, Уран, йигит, ғирт, олма, сада, Фонда, миди, метеор, Балу, номзод, онда, амаки, ашё, ўлик, канал, Ҳафтияк, Ягр, илк, Замира, ...зда, Отаре, илгак, мато, маош, хонаки, ип, ем, овоз, қил, адабий, Канада, мим, актёр, лаббай, имтиёз, гуруч, нософ, аста, даллол, иш, чайир, овлоқ, Даса, таг, звено, ёстиқ, рамка, лалми, озуқа, флот, аср.

**Бўйига:** Қум, сой, Кута, озод, муаммо, шаддод, либерал, мисрлик, оға, си, арфа, стол, ланж, шева, данакли, нур, изнсиз, Идарка, баён, мўрт, кибр, шакл, шлак, "Оҳим", офат, аза, ара, ядро, гоҳо, ака, етим, Ом, алоқа, шкала, хашак, нафас, кесим, пона, зид, йил, кризис, нота, Мавлоно, айниқса, тасодиф, қурама, нудизм, балл, иситма, ёт, заргар, чарви, овоз, шарт, оёқ, ақл, акс.



...-калом
Рўйхат
Най (арман)
Расмий ҳужжат
Таянч
Итвачча
Аччиқ-чучук
Қатъий-лик
Вақт
Ёлғон
Аҳд
Фарғ. қишлоқ
Машина-лар "йўлаги"
Ош, кабоб ...
Афсон. махлуқ
Қадим араб Венераси
...-эътироф
Отанинг синглиси
Бекор сарф
Шоколад асоси
Рўзғор буюми
...-насаб
Хонанда-лар тўплами
Биров
Ях
Зиравор
Мия
Ҳарбий
"Хелло" ўзбек-часига
Арра, болға ...
Пар
Ускуна
Қисқар-тирилган ёзув
Шоҳ уйи
Фармон
Актёр пардози
Истисно
...хор, ...лик



Ўрдак "акаси"
Шайтон
Қасам
Будулай
Ўғил-...
Тамом
Тўплам
Улус
"... куёв"
Кг
Ини
Мир..., Саид..., ...
Ҳозир XXI ...
Кинескоп
Бет
Саид Аҳмад асари
Баҳсли
Ўриндиқ
Ошиб кетиш
Тиниш белгиси
Ги ... Мопас-сан
Муз ёмғири
Карашма
Мотам
Ўғирлик
1-шахс
Нола
Негроид, монголоид, европоид



Узукка кўз қўйган-дек
Қани?
Рав... Гул...
Кичкина уришқоқ қуш
Бадфеъл
Машина



Дарахт



Алгебра — мисол, она-тили — ...
Ихтиёр
Жамғарма тури
Кун, ой, йил



Пичоқ уйи
Лавозим
Ҳеч ҳам
Узунлик, баланд-лик
Амалга оширув-чи
Гина



Қадрли
Ускуна
Ҳисоб (рус.)
Орфо-графия
Имон
Мева
Қишлоқ
Белги



А. ХАКИМОВ чизган расм.

**O`n ikkita farqni toping**



2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

# ЁШЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

**Деярли ҳар куни вилоят ички ишлар бошқармасининг дарвозасидан кириб борар эканман, хаёлимдан ёшлик йилларим ўтади. Вужудидан куч, ғайрат ёғилиб турган йигитларга қараб ҳавасим келади. Чунки ҳозирги ёшлар, яъни ёш милиция ходимлари ғайрат кўрсатиб хизмат қилиши учун деярли барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий автомашиналар, техника, асбоб-ускуналар муҳайё қилинган. Буларнинг барчаси, аввало юртимизнинг мустақилликка эришганлиги шарофатидир.**

Кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақага чиққан ходимлар, яъни фахрийларга бош бўлишни топширишганда ишни нимадан бошлашни билмай қолгандим. Жамоатчилик асосидаги ташкилотга кўпам эътибор берилмаса керак, деган фикр хаёлимдан ўтганди. Лекин биз фахрийларнинг кўмаги, маслаҳатимиз доимо керак эканлиги, қўлдан келгунча ёрдам беришимиз мумкинлигини кўрганимдан кейин, ишга жиддий киришдим.

Фахрийлар кенгашининг ҳар ойда ўтказиладиган йиғилиши, жойларда уюштириладиган учрашув, суҳбатларда кексаларнинг мулоҳазалари, бой тажрибалари ёшлар учун катта мактаб эканлиги кўп таъкидланади. Фикримнинг далили учун ўтган йили вилоят ИИБ раҳбариятининг ташаббуси билан кўп йиллар раҳбарлик лавозимларда ишлаган, кўмак беришга куч-қуввати етарли, бой тажрибага эга бўлган фахрийлардан иборат "Маслаҳат кенгаши" тузилганини айтиб ўтмоқчиман. Ўтган йилнинг ўзида ушбу кенгаш аъзолари Ангрен, Олмалиқ, Янгиобод шаҳарлари, Бекобод, Янгийўл, Чиноз, Тошкент, Юқоричирчиқ, Паркент туманлари ИИБлари шахсий таркиби билан учрашувлар ўтказдилар. Бу тадбирлардан кўзланган мақсад ёшларни касбига, бурчига бўлган садоқати, Ватанга, элга меҳр-муҳаббатини ошириш эди. Фахрийларимиз ходимларга ўз тажрибалари, хизмат даврида бўлган воқеалардан гапириб бердилар. Уларга хизматни ташкил этиш, айниқса, фуқаролар билан қандай муносабатда бўлиш, ариза, шикоятларни адолатли ҳал этиш билан нафақат ўзининг, кўпминг кишилик Ўзбекистон Республикаси милициясининг обрўсини, уларга бўлган халқ ишончини мустаҳкамлашини таъкидладилар ва йигитларни шундай бўлишга чақирдилар.

Жойларда, яъни вилоятнинг шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган фахрийлар кенгашларида тузилган иш режаларида ҳам асосий эътибор нафақага чиққан ходимларни ёшларга бириктириб қўйиш, мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш, кексалар тажрибасидан унумли фойдаланиш масалаларига қаратилган.

Вилоятдаги фахрийларимиз орасида иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, шунингдек аёллар бор. Ҳар бир шаҳар ва туман ИИБ фахрийлар кенгашларида тузилган фахрийлар жамғармасига тушаётган маблағлардан эҳтиёжманд оилаларга бериб бориляпти. Беморларга дори-дармон олиш, тўй, юбилей тадбирларида иштатиш учун ҳам ёрдам пули ажратилади.

Ўз навбатида республика ИИВ, вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан биз фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрликларни айтиб ўтмоқчиман. Фахрийларни сийлаганларни эртага ёшлар ҳурматлаб, эъзозлашади.

Ўтган йили фахрийларимиз билан буюк муҳаддис имом ал-Бухорийнинг қабрларини зиёрат қилиб, тарихий обидани кўриб келдик. Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбарасини кўриб бир олам таассурот олдик. Бу анъанани бир қатор шаҳар ва туман ИИБлари раҳбарияти мамнуният билан давом эттириб, фахрийларни тарихий шаҳарларга зиёратга боришларини ташкил этишди.

Мамлакатимизда нишонланадиган ҳар бир байрамда биз фахрийларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Тантаналарда иштирок этишга имкони бўлмаган беморлар, ногиронларнинг уйларига бориб, йўқлаб, совға-саломлар улашиляпти.

Кексаларимизга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам раҳбарият эътиборидан четда қолмаяпти. Бошқарма поликлиникасида улар учун алоҳида хона ажратилиб, шифокор тайинланган. Нафақадорлар тиббий кўрикдан ўтказилиб турибди. Зарурат туғилса сиҳатгоҳларга йўлланма берияпти. Ўтган йили тўрт юздан ортиқ фахрий турли шифохоналарда даволандилар. Шунингдек, нафақадорлар имтиёзли дори-дармонлар билан ҳам таъминланмоқдалар.

Мамлакатимизда кексаларга ҳурмат-эътиборнинг рамзи сифатида Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинди. Биз фахрийлар бундан бошимиз осмонга етди. Бунинг учун бор тажриба, билим ва маҳоратимизни сарфлаб, юрт тинчлиги ва осойишталиги учун олиб борилаётган ишларда ички ишлар ходимларига имкони борича ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

**Муҳиддин ИНОҒОМОВ,**
*Тошкент вилояти ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция полковниги.*

# ҲАМ САМАРА, ҲАМ ТЕЗКОРЛИК ОШЯПТИ

Ислоҳотлар – амалда

**Ички ишлар вазирлигининг кўплаб соҳаларида бўлгани каби йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ҳам ислоҳотлар амалга ошириляпти. Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБда бу жараён қандай кечяпти? Унинг моҳияти ва аҳамияти шахсий таркибга қандай етказиляпти? Ходимлар ўртасида тарбиявий ишлар қандай олиб бориляпти? Мухбиримизнинг вилоят ИИБ ЙҲХБ бошлиғи Азамат Ашурович Шакаров билан суҳбати ана шу мавзуда бўлди.**

**– Азамат Ашурович, ислоҳотлар ЙҲХ соҳасида нималарда акс этяпти? Уларнинг асл моҳияти, мақсадлари ходимларга қай йўсинда, қандай шаклларда етказиляпти?**

– Маълумки, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган мақсад ходимларимизнинг хизмат самарасини, тезкорлигини ошириш эди. Бунга эришиляпти. Уларнинг патруль-пост, профилактика хизматлари вакиллари билан ҳамкорлиги кучаймоқда. Бир ҳудудда хизмат қилаётганда улар ҳамиша ўзаро кўмакдош. Дейлик, шу ҳудудда бирор жиноятчини тутиш керак бўлса, унинг белгилари, қайси томонга ҳаракатланаётгани ҳақида йўл-патруль ходимлари ҳам хабардор қилинади. Ёки улар хизмат ўташ чоғида бирор шубҳали кишини кўриб қолсалар, уни шахсини аниқлаш учун милиция таянч пунктига олиб келадилар.

Тезкорлиги ошганлиги борасида тўхталадиган бўлсак, ҳозир бутун вилоятимиз ҳудудига битта йўл-патруль бўлинмаси хизмат кўрсатади. Бўлинма сардори ЙҲХБ бошлиғининг биринчи ўринбосари ҳисобланади. ЙПХ шахсий таркибини қисқа вақт ичида ҳар қандай тезкор вазият нуқтаи назаридан зарур вазифани бажаришга жалб этиш, уларни вазиятдан зудлик билан хабардор қилиш мумкин.

Энди ислоҳотлар моҳиятини, талабларини шахсий таркибга етказиш масаласига келадиган бўлсак, бунда хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларидан самарали фойдаланяпмиз. Улардан тегишли қарорлар, буйруқлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни билишлари бўйича синов имтиҳонлари олинди. Жорий йил ўқув машғулотлари режаларида ҳам бу назарда тутилган.

**– Бошқа ёқдан келган меҳмонлар милицияга аввало йўл-патруль хизмати ходимига қараб баҳо беришади. Уларнинг муомала маданиятини ошириш борасида нималар қилиняпти?**

– Тўғри айтдингиз, бизнинг ходимлар милициянинг юзидек гап. Бунинг масъулиятини яхши ҳис қиламиз. Ўқув машғулотлари, Маърифат дарсларидан ташқари, ҳар гал ходимларимизни хизматга жўнатиш олдидан йўриқнома ўтказилиб, уларга меъёрий ҳужжатлар, айниқса "Касб одобномаси" талаблари эслатилади. Мабодо фуқаролардан ходимимизнинг қўпол муомаласи бўйича арз-шикоят тушса, у эътибор билан ўрганилади, натижаси аризачига, зарур ҳолларда шахсий таркибга ҳам маълум қилинади.

Ходимнинг нафақат муомаласи, ҳатто ташқи кўриниши ҳам унинг ички маданиятидан нишонадир. Бизда йўриқномалар олдидан саф кўриги ўтказиш одат тусига кирган.

**– Ўрни келиб қолди, сўрамасам бўлмас. Автотранспортни тўхтатиш, текшириш тартиб-қоидаси қанақа? Масалан, Америка фильмларида то полициячи бориб ўзини танитмагунча ҳайдовчи кабинадан чиқмайди. Бизда эса инспектор тўхташга ишора қилгач, кўпинча ўзи жойида тураверади.**

– ЙПХ инспектори қоидабузарликни аниқласа ёки ҳайдовчининг ҳужжатларини текширмоқчи бўлса, тўхташ ишорасини ўз вақтида қилиши керак. Автотранспорт тўхтагач, инспектор ҳайдовчи ёнига бориб ўзини таништириши ва тўхтатганлигининг сабабини тушунтириши шарт.

Ҳайдовчини автомашинадаги техник нуқсонларни, юкни жойлаштиришдаги камчиликларни бартараф этиш, меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш учун тушишга таклиф қилади.

**– Баъзан ҳайдовчилар "Инспектор кутилмаган жойдан чиқиб машинани тўхтатди" деб нолиб қолишади. Аслида-ку йўлнинг ҳар қандай қисмида ҳам қоидага риоя қилиш керак. Шундай бўлса-да мазкур масалага ойдинлик киритсангиз...**

– Ҳа, бундай ҳоллар ҳам учраб туради. Айтганингиздек, қоидага амал қиладиган ҳайдовчи бундан нолимайди ҳам, чўчимайди ҳам. ЙПХга оид меъёрий ҳужжатларга мувофиқ инспектор хизмат ўташ учун шундай жойни танлаши керакки, биринчидан транспорт воситалари ҳаракатига халақит бермаслиги лозим. Иккинчидан, йўлнинг чеккасида, захирадаги қисмида, учинчидан очиқ ва яхши кўринадиган (тунги вақтда ёритиладиган) жойда туриши керак.

**– Авваламбор, қоидабузар камдан-кам ҳолда ўз айбини бўйнига олади. Аммо баъзан ЙПХ ходими ҳам янглишиши мумкин. Баҳсли масала туғилса, қандай ҳал қилинади?**

– Қоидабузарлигини тан олмаган шахсга нисбатан маъмурий баённома икки гувоҳ ёки холислар иштирокида тузилади, унга далолатнома илова қилинади. Шахснинг баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабаблари ҳақида тушунтириш хати алоҳида қоғозга ёздириб олиниб, баённомага илова қилинади. Ҳайдовчи ёки бошқа ҳаракат иштирокчиси ЙПХ инспектори хатти-ҳаракатидан норози бўлса, ўн кун ичида юқори идораларга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**– Яна ислоҳотлар масаласига қайтсак. Сўнгги пайтларда янгиланишлар шарофати билан сиз раҳбарлик қилаётган соҳада таъминот масаласи яхшиланяптими?**

– Шубҳасиз. Оддийгина форма масаласини олайлик. Биласиз, ЙПХ ходими қишли-қировли кунларда ҳам постда туради, кўча кезади. Янги қишки форма ҳам иссиқ, ҳам қулай, ҳам тунда нур қайтарадиган оқ йўлларга эга, яъни ходимнинг хавфсизлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, мобиль гуруҳларимиз сони кўпаяпти. Бу йўлларнинг ҳар қандай участкасини назорат қила оламиз, йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойга тез етиб бора оламиз дегани. Ҳозирда бунёд этилаётган, қайта таъмирланган ЙПХ мунтазам масканлари илгаригиларидан хизмат талабларига ҳар жиҳатдан тўла жавоб беришлари билан фарқ қилади. Уларда ходимларимизнинг кучайтирилган тартибда ишлашлари учун ҳам зарур шароитлар яратилган.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Суҳбатдош Б. ТОШЕВ.**

# КАТТА ҚОЗОНДА ҚАЙНАШСА...

Гулистон шаҳрида профилактика инспекторларининг аксариятини ёшлар ташкил қилади.

– Нима, бу соҳада кўп йиллар ишлаган ходимлар шунчалик камми? – ҳайронлигимни яширмадим.

– Шаҳримиз профилактика хизмати катта қозондай гап, – кулимсираб изоҳ берди ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Ў. Болтабоев. – Бу ерда ишлаб, тажриба ортирганларни бошқа хизмат соҳаларига, вилоятнинг турли туманларига ўтказишади. Чунки билишадики, ходим икки-уч йил Гулистонда профилактика инспектори бўлиб ишлаб эплаб кетдими, бошқа соҳани ҳам эплайди.

– Унақада ўзларингиз қийналиб қолмайсизларми тайёр кадрларни бошқаларга бераверсангизлар? – сўрадим бошлиқ ўринбосаридан.

– Авваламбор, бердик деганда ҳам ўзимизга етарлигини олиб қоламиз. Улар янги келган ёшларга ўз тажрибаларини ўргатишади. Биз раҳбарлар ҳам қараб турмаймиз. Ёшларга ҳар қадамда йўл-йўриқ кўрсатамиз. Яна бир йўли...

Ёш профилактика ходимларини тарбиялаш, анчайин мураккаб хизмат соҳасига ўргатишнинг Ўктам ака айтган яна бир йўли ҳам диққатга сазовор экан. Бу ерда маҳалла посбонлари сардорлигига одатда узоқ йиллар ички ишлар идораларида ишлаб нафақага чиққан, лекин ҳали куч-қувватдан қолмаган ғайратли кишиларни қабул қилишар экан. Собиқ ходимлар соҳани ҳам, маҳаллани ҳам, қолаверса бутун шаҳарни ҳам жуда яхши билишади. Ёш профилактика инспектори ундан кўп масалада қимматли маслаҳатлар олиши мумкин.

Ёш, ёш деймизу, бу ҳам аслида анчайин нисбий тушунча. Йигирма беш яшар йигитни ёш десак, ўттиз-ўттиз беш ёшда ҳукуматни, қирқ ёшида давлатни бошқарадиганлар-чи? Дунёда шундайлар бор-ку! Ўзимизнинг тарихимизда ҳам бўлишган. Ёшларимизнинг улардан қаери кам? Уларга ишонч билдирилса, зарур бўлганда суялса, йўл-йўриқ кўрсатилса, албатта, эплаб кетишади.

Шаҳарнинг Т. Аҳмедов ва У. Юсупов маҳаллалари ҳудудида хизмат қиладиган профилактика катта инспектори, милиция лейтенанти Алижон Абдуллаев ана шундай эпчил, чаққон, интилувчан йигитлардан экан. У хизматни бор-йўғи 1999 йилда бошлаган. Дастлаб шаҳарнинг четида – аҳоли кам яшайдиган қисмида инспекторлик қилган. Мана, бир йилча бўляпти – шаҳар марказида, энг мураккаб ҳудудда хизмат қиляпти. Бу ерда асосан кўп қаватли уйлар. Турли миллат вакиллари яшашади. Корхона, ташкилотлар, кўнгилочар масканлар кўп. Аммо кўрсаткичлари ёмон эмас.

Алижон вазифасидан келиб чиқиб асосий эътиборни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратяпти. Таянч пункт эшиги ҳамиша фуқаролар учун очиқ. Ҳар ойнинг 15-20 саналари оралиғида профилактик, маъмурий ҳисобда турувчилар билан суҳбатлар ўтказади. Ҳудудида амнистия бўйича озодликка чиққан бир неча киши истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ишга жойлашиб, ўзларини тутиб олишди. Айримлари ўз бошига тижорат, ишбилармонлик билан шуғулланишяпти. Аммо тўрт нафарини маъмурий назоратга олишга тўғри келди.

– Посбонлар сардори Араббой ака Болтахўжаев ҳар бир ишимда кўмакдош, маслаҳатчи, – дейди Алижон. – У киши бир умр шу маҳаллада яшаганлар. Ҳудуднинг паст-баландини, аксар оилаларнинг шарт-шароитини яхши биладилар. Бунинг устига узоқ йиллар органда ишлаганлар. Тажрибалари катта.

Шаҳар профилактика хизмати ходимлари жиноятларни очиш, жиноятчиларни қўлга олишда ҳам фаол қатнашишади. Биргина Алижон мисолида оладиган бўлсак, у қидирувда бўлган жиноятчилардан бирини ЖҚБ ходимлари билан бирга, бошқасини эса шахсан ўзи тутган. Бунга ўхшаш ҳолатлар анча-мунча.

Ҳақиқатан, ана шундай хизмат қозонида қайнаганларни маълум муддатдан сўнг ҳеч иккиланмай жиноят-қидирув, тергов каби соҳаларга, туманлардаги масъулиятли вазифаларга ўтказиш мумкин. Улар уялтириб қўйишмайди.

**Қ. КАРИМОВ.**
*Сирдарё вилояти.*

# ҚАРИБ ҚУЮЛМАГАН ТОВЛАМАЧИ

**Бахтиёр мактабдан боши оғриб келди. Деҳқоннинг қўли қадоқ бўлади, футболчининг оёғи оғриса керак. Ўқитувчининг кўзи билан боши оғрийди-да. Келса, онаси ҳам бир бош оғриқ топиб турган экан.**

**Кампир ҳовлидаги қудуқ ёнидан рўмолчага ўралган бир нима топиб олибди. Ичидаги қоғозгами, пулгами ўхшар эмиш. Рўмолча қурғур ҳам қайта-қайта тугиб ташланган экан. Аммо кампир бўш келмади. Шу ёшга киргунча унинг қўллари не-не тугунларни ечган – бу нима бўлибди. Ечишга ечдию, ҳанг-манг бўлиб қолди. Ичидан бир энлик хат чиқди. Кампир пича ҳижжаладию "Ассалому алайкум, дўстим Бахтиёрбой" деган жойига келганда кўзи чарчаб ёшланиб ўқишдан тўхтади. "Ўзи келиб ўқир", – деди. Хатни келину невараларига кўрсатгани негадир кўнгли чопмади.**

... Ўғли дарвозадан кўриниши билан кампир унинг истиқболига юрди ва қўлига хатни тутқазиб:

— Ким у, ман билмайдиган аканг? Қани, овоз чиқариб ўқи-чи! — деб қистади.

Бахтиёр хатнинг саломалик қисмини аълочи мактаб болага ўхшаб шариллатиб "беш баҳога" ўқидию, "Ўн бешинчи октябргача санга сурук" (яъни, муҳлат) деган жойига келганда иккичига ўхшаб нафаси ичига тушиб кетди.

— Ҳа, ўқишни эсингдан чиқариб қўйдингми? — дашном берди онаси. — Баракалла, сани қўлингда ўқийдиган болаларга...

Бахтиёр кампирнинг жаврашига эътибор бермай хатнинг қолган қисмини ичида ўқиб чиқди. Кейин важоҳат аралаш онасидан сўради:

— Буни ким берди? Қачон олиб келишди? Конверти қани?

— Қанақа конверт? Конверт йўқ, қудуқ ёнида ётган экан, — кампир рўмолчани узатди. — Манавига тугиб биров ташлаб кетган. Тинчликми ишқилиб? Рангингда ранг қолмади. Тушунтириб гапирсанг-чи.

— Кейин айтаман, она, кейин. Ман ҳозир келаман, — Бахтиёр бошқа ҳеч нима демай қайтиб кўчага чиқиб кетди.

Кампир ҳовли ўртасида ўғлининг кетидан каловланганча қолаверди...

***

Бахтиёр қўшни ширкат хўжалигида таниқли "ГАЗ-51" юк машинасининг эгаси кимлигини тезда аниқлади. Сабаби, фақат шу одамнинг машинасигагина хатда ёзилганидек, трактор мотори ўрнатилган экан. Бунинг устига ёши, нафақадорлиги ҳам тўғри келди. Фақат чол тушмагур "Ҳеч гапдан хабарим йўқ" деб туриб олди. Бахтиёр "Ахир, хатда санга 15 октябргача сурук. Бир ярим миллион сўм пулни мана шу қишлоқдаги кекса ҳайдовчига келтириб бер. Ундан ўзимиз олиб кетамиз. Ўзингга жабр этма. Бўлмаса, ўзингдан кўр. Чўлда қўй боқиб юрган укаларингни дарёнинг нариёғига — Туркманистонга олиб ўтиб йўқотамиз, дейишган. Ўша қари шофёр сиз бўлмай ким бўларди. Худди хатда ёзилганидай машинангизга трактор мотори ўрнатилган. Ҳаммаси тўғри келади", — деди.

Чол шунда ҳам ўзини ҳеч гапдан хабари йўқдай кўрсатди. Бахтиёр икки марта ялиниб келиб кетди. Ҳар гал қария: "Бу ишга мани аралаштирма, барака топкур. Бировга пул бермоқчи бўлсанг, ўзинг олиб бориб беравер", — деди.

Ахири Бахтиёр ўзи яшайдиган Қоракўл тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Ички ишлар ходимлари Бахтиёрга яна бир-икки марта кекса ҳайдовчининг олдига бориб, унинг бу товламачиликка алоқадорми ёки йўқлигини текшириб кўриш кераклигини айтишди. Бахтиёр учинчи гал борганида чол сирини оча бошлади:

— Ҳа, бундан 2-3 кун илгари бир туркман бола велосипедда келди. Бахтиёр пул ташлаб кетдими, деб сўради.

— Унда ўша пулларни олиб келиб, сизда қолдирай. Кейинги сафар сўраб келганида бериб юборинг, илтимос, — ёлғондакам қувониб кетди Бахтиёр.

— Майли, ўзинг биласан. Сўраб келишса бериб юбораман. Бўлмаса, ўзим олиб бориб бераман.

***

... Қариб қуюлмаган товламачи бир ярим миллион сўм "пул"ни Бахтиёрдан олиб, ўзи ётадиган уйдаги кўрпачалар тагига яшириб қўйган пайтида қўлга олинди. У барча айбини бўйнига олди. Бундан ташқари, хатшунос экспертлар ҳам мактуб айнан у томонидан ёзилганини тасдиқлашди.

### ХОТИМА ЎРНИДА

Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчаркан. Болта билан биров ўтин ёрса, бошқа биров одам ўлдиради. Ҳамма гап кишининг ниятига, маънавиятига боғлиқ. Юқорида зикр этилган, товламачилик билан шуғулланган қаҳрамонимиз оммавий ахборот воситалари хабарларидан "илҳомланган" экан. Бировларни қўрқитиб пул талаб қилиб олаётганлар ҳақида телевизорда кўриб, газета-журналларда ўқиб, мен ҳам бир уриниб кўрсаммикан, деб ўйланиб қолибди.

Матбуот хабарларидан кўзланган мақсад — одамларни огоҳ қилиш, жиноий қилмишларнинг оқибатларини уларга кўрсатиб, сабоқ бериш-ку!

Қаҳрамонимиз таниш-билишлари билан киши билмас суҳбатлашиб, сўраб-суриштириб, қўшни "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида яшовчи Бахтиёрнинг 600 бошдан ортиқ қўйи, 50 бошдан зиёд қорамоли борлигини билиб олибди. Уларни Бахтиёрнинг укалари Туркманистонга чегарадош чўлда боқишини аниқлагач, ҳалиги машъум хатни тўқиган...

Бу қилмишни ёш йигит қилганда, оқламасак ҳам "Ҳали ғўр-да, хомлик қилибди", — дердик. Ёши олтмишдан ошган кишига-чи?! "Қариб қуюлмаган" дейиш керакми?...

Унинг ўтмишига ҳам бир назар ташласак, зиён қилмас. 29 ёшида бировга қасддан енгил тан жароҳати етказгани, 59 ёшида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган экинларни етиштиргани учун судланган. Олтмиш беш ёшида нима иш қилгани эса ўзингизга маълум. Энди хулоса чиқариш ҳам ўзингизга ҳавола...

**Рамазон СУВОНОВ,**
*милиция подполковниги.*
*Бухоро.*

# БУРЧИНИ ҲАЛОЛ БАЖАРАЯПТИ

**Оҳангарон шаҳрида яшовчи Ш. Йўлдошева ишдан уйига келса, эшиги очиқ, хонадони остин-устин бўлиб ётибди. У ҳеч иккиланмай милицияга хабар берди. Худди шу вақтда бу ўғриликни содир этган шахс қўлга олинган эди.**

Шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлими ходими Иброҳим Алимов В. Хусниддинни атрофга олазарак қараб келаётганини кўриб қолади. Бежо ҳаракатлари шубҳа уйғотгани учун тўхтатиб, бўлимга олиб боради. Унинг ёнидан Ш. Йўлдошевага тегишли 40 минг сўмликдан ортиқ турли хил буюмлар ашёвий далил сифатида олинади.

Милиция сафдори И. Алимовнинг милиция хизматига кирганига бир ярим йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида у ўзининг ишчанлиги, ҳушёрлиги, сергаклиги билан кўпчиликка танилди. Интизомли, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиши билан ўрнак бўлиш даражасига етди. Қўриқлаш бўлими МҚП қўлга олиш гуруҳи аъзолари билан чақириқ бўлган жойга ўз вақтида етиб бориб, тезда зарур чоралар кўриб, хизмат бурчини ҳалол бажариб келяпти. Унинг бевосита иштирокида бир неча жиноятлар фош этилди, айбдорлар ушланди. Шунингдек, бу фидойи ходим шаҳар ИИБ бошқа хизмат вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилаётган турли тадбирларда фаол иштирок этяпти. Шаҳарда мунтазам ўтказилаётган "Қора дори" тадбирида қатнашаётиб, фуқаро С. Шамсухановнинг томорқасида саримсоқ пиёз экилган пайкалда, экинлар орасида ўстирилаётган кўкнор ўсимлигини аниқлади.

Хуллас, И. Алимовнинг хизматлари кўп. Ана шундай ходимларимиз борлигидан фахрланамиз.

**Б. АҲМЕДОВ,**
*милиция майори.*

# БИРОВНИНГ МОЛИ БУЮРМАС...

Маркс Полвонов Янгибозор тумани Ички ишлар бўлимига йўл олар экан, турли хаёлларга борди: милиция ходимлари нима дер экан? Бир камимиз далада молингизга қўриқчи бўлиб ётишимиз қолди, десалар-чи.

У минг хижолат билан туман Ички ишлар бўлимига етиб келди.

– Мен Садриддин Сапарбоев бўламан, – деб ўзини таништирди навбатчи йигит. – Нима иш билан келдингиз?

– Болам, эрталаб молга ўт бергани чиқсам, уни ўғирлаб кетишибди. Ёрдам беринглар... Умид билан боқаётгандик.

– Албатта, ёрдам берамиз, – навбатчи шундай дея телефонда кимбиландир гаплашди.

Кўп ўтмай хонага тезкор вакил, милиция майори Баҳодир Отажонов кириб келди ва Маркс Полвоновни ўз хонасига таклиф этди. У сўраб-суриштириб, қалин дафтарига нималардир ёзиб олди.

Янгибозор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Раҳимбой Тангрибердиев бошчилигида тезкор-тергов гуруҳи ташкил қилинди. Гуруҳ аъзолари воқеа жойини кўздан кечириб, молхона ва унинг атрофида жиноятчилар ҳеч қандай из қолдирмаганлигини аниқладилар. Терговчи, милиция майори Ҳайитбой Исмоилов қўни-қўшниларидан сўраб-суриштиришганда улар тунги воқеалардан бехабарликларини айтишди.

Ҳайитбой Иброҳимовичнинг терговчилик фаолиятида бундай воқеалар кўп учраган. Полвоновнинг қўшнилари шунчаки "югур-югур, чақир-чақир"лардан қочиб, "ҳеч нарсани билмасликлари, кўрмасликлари" уни ажаблантиргани йўқ. Уларни ҳам тушунса бўлади. Ортиқча бош оғриғи кимга керак? Яхшиямки, ҳамма бирдек эмас. Инсофли, виждонли одамлар ҳам кўп. Улар ўзганинг бошига тушган мусибатга бефарқ қараб туролмайди.

Мол ўғирлиги тўғрисида вилоят Ички ишлар бошқармасига хабар берилди. Вилоят ИИБ тезкор навбатчиси, милиция капитани Ражаббой Ортиқов шу куни Янгибозорга кетма-кет телефон қилиб, ишнинг бориши тўғрисида ахборот олиб турди.

Тўғриси, вилоят ҳудудида номаълум шахслар томонидан хонадонлардан чорва молларини ўғирлаганларни қидириб топиш ишлари ҳар доим ҳам муваффақиятли тугайвермайди. Баъзида шу тоифадаги жиноятларни содир этган шахслар йиллаб топилмайди. Сабаби, ашёвий далил – мол сўйиб юборилади ёки бошқа ҳудудга олиб кетилади. Шу боисдан ҳам мол ўғриларини жиноятини фош қилиш ва ўғриларни иссиғида ушлашга жиддий эътибор берилади.

– Янгибозорда, умуман Хоразм вилоятида яшовчилар чорва молларини то кеч кузгача очиқ жойда, ҳатто далада қолдиришади, – дейди терговчи Ҳайитбой Исмоилов. – Бу тунги "шарпалар"га қўл келади. Ҳалол кишилар ҳисобига кун кечиришни ўзига касб қилиб олган шахслар пайтдан фойдаланиб, ўзларининг хуфия ниятларига осонгина етадилар. Энг ёмони, ашёвий далил топиш қийин бўлади.

Туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Раҳимбой Тангрибердиев уч гуруҳни вилоятдаги учта йирик мол бозорига жўнатди. Улардан бири Урганчдаги "Чолиш" бозорига келди.

... – Укамни уйлантирмоқчиман. Молни сотаман, кетаман, – дея харидор чақираётган йигит уларнинг диққатини тортди. Молнинг ўғирлик эканини сезган даллоллар уни арзонроққа сотиб олишган. Кейин бошларига ташвиш келтиришини ўйлаб, ундан қутулиш мақсадида қассобга топширишган.

Ўғрилар ушланди. Суриштиришлар давомида молнинг териси топилди. Маркс Полвонов ўз молининг терисини таниди.

Сотиб олган кишининг сўзлари билан ўғриларнинг фотороботи тайёрланди. Қассобнинг тасвири билан ўғриларни ушлаш чоралари кўрилди.

Туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Муҳаммад Отақулов, тезкор вакиллар, милиция майори Баҳодир Отажонов, милиция капитани Зафар Юсуповлар калаванинг учини топиш учун кўп меҳнат қилишди. Ва, ниҳоят, гувоҳлар иштирокида мол ўғрилари – Янгибозор туманида истиқомат қилувчи Виждон Тулиев, Урганч шаҳрида яшовчи Сергей Юсупов, янгибозорлик. Маримбой Аҳмедовлар қўлга олинди.

– Улар бир жиноий гуруҳга бирикиб, вилоятимизнинг Шовот ва Янгибозор туманларида мол ўғирликларини содир этганлар, – дейди терговчи Ҳайитбой Исмоилов. – Ҳар бирининг ўз вазифаси бўлган.

Виждон Тулиев Янгибозор туманида яшайди. 1999 йилнинг апрелида гиёҳвандлик моддаларини сақлаш билан боғлиқ жиноятни учун озодликдан маҳрум этилган. 2000 йил 28 август куни амнистияга кўра озодликка чиқарилган.

"Ўғри-ўғрини қоронғуда топади" деганларидек Сергей Виждонни жазони ижро этиш муассасасида топган. Сергей 1999 йилнинг февралида босқинчилик жиноятни учун судланиб, озодликдан маҳрум этилганди. Ҳукуматимиз уни ҳам ёшлиги ва биринчи бор жиноят содир этганлиги учун кечирган. Афсус, Сергей онаси ва сингилларини қақшатиб, яна жиноятга қўл урди. Улар меҳнат билан рўзғорини тебратиб юрган янгибозорлик Маримбой Аҳмедовни ҳам "давра"ларига тортишди.

Ўшанда Виждон билан Сергей ўғирлик режаси тузиб, Янгибозор туманига йўл олишди, Урганчда "Москвич"га ўтиришди.

– Киракашлик билан кун кечириш қийин бўлса керак? – атай гап ташлади Виждон машина рулини бошқараётган Маримбойга.

– Нимасини айтасиз, машина кўп, мижоз оз. Тез ҳаракат қилмасанг оғзингдагини ҳам олдириб қўясан. Яна бироз безбетроқ ҳам бўлиш керак. Акс ҳолда бензин пули бўйнингга тушади. Устига-устак машина эски. Бировники, ижарага олиб юрибман. Зўрға нон пули қолади.

– Нима қиласиз, бу бош оғриғини? Биз билан "иш" қилсангиз ёмон бўлмайсиз, – дея Сергей гапга қўшилди.

Маримбой уларнинг ўғирлик тўғрисидаги таклифини эшитиб аввалига "йўқ" деди. Кейин рози бўлди.

Ишончли шерик топган икки ҳамтовоқ қулай жой ва пайт пойлашди. Маримбойга тегишли "Москвич"нинг орқа ўриндиғини олиб ташлаб, "ов"га чиқишди. Уларнинг биринчи ўлжаси Шовот тумани Беруний ширкат хўжалигида яшовчи Қурамбой Собировнинг тарғил сигири бўлди. Учовлон 2001 йилнинг апрелида, тунда бири сигирнинг бурнидан тортиб, иккинчиси итариб машинанинг орқа ўриндиғига жойлашди. Уни Қўшкўпир туманидаги "Газовот" мол бозорида 130 минг сўмга пуллашди. Бировнинг ҳисобига кун кўрувчи бу кимсаларга ўғирлик мойдек ёқиб, қилмишларини давом эттиришди.

Орадан бир ҳафта ўтмай улар Янгибозор туманидаги "Маданият" ширкат хўжалигида яшовчи Қувондиқ Нурметовнинг ҳўкизини гумдон қилишди. Ҳўкиз бозорда 230 минг сўмга сотилди.

Бу ишда Сергей устаси фаранг бўлиб чиқди. У 1 июлга ўтар кечаси Янгибозор тумани "Жайҳун" ширкат хўжалигида яшовчи Ҳайитбой Қурбашовнинг ҳўкизини ўғирлаб, 200 минг сўмга пуллади.

Улар "ишнинг ҳадисини олдик", деб қувониб Янгибозор туманидаги Ҳамза ширкат хўжалигида яшовчи Маркс Полвоновнинг ҳўкизини ўғирлашди. Тезкор-тергов гуруҳи талончиларнинг изини қидириб юрган кунларда Шовот тумани "Гулистон" ширкат хўжалигидан Мадамин Бойжоновнинг ҳам ҳўкизи ўғирланди. Мол Урганч туманидаги "Ғойбу" бозорида 95 минг сўмга сотилди...

Ва ниҳоят чорва молларини ўмаришни ўзига касб қилиб олган гуруҳ қўлга олинди. Ўғирлик молни сотиб олган қассоб ҳам топилди.

– Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди, – дейди Шовот тумани ИИБ катта тезкор вакили, милиция майори Омонбой Аҳмедов. – Янгибозорлик милиция ходимлари бир жиноят изидан бориб, шунча мол ўғриларини фош қилишди. Вилоятимизда очилмай ётган қанча "иш"лар якун топди. Бу – ҳамкасбларимизнинг машаққатли меҳнати маҳсулидир.

**М. АБДУЛЛА.**

# ТЎДАБОШИ... ЭГИЗАКЛАР

**Энди қуйида сўз юритиладиган жиноят иши бўйича ошкора ёзиш мумкин. Чунки тергов ҳаракатлари тугади, суд ўзининг адолатли ҳукмини ўқиб бўлди.**



...Пойтахтнинг турли туманлари ички ишлар идораларига фуқаролар ариза билан мурожаат қила бошлашди. Мазмуни битта — улар босқинчилик ҳужумига учраган эди. Дастлаб бу жиноятларнинг барчасини эгизаклар бошчилик қилган гуруҳ содир этаётганини тасаввур этиш қийин эди. Сабаби, улар шаҳарнинг турли ҳудудларида турлича усулларда, вазиятларда амалга оширишарди.

Ёшгина, малоҳатли аёлга нисбатан уюштирилган босқинчиликка диққат қилинг-а. Эшик қўнғироғини жиринглатишган. Аёл "Ким?" деб сўраганида эркак киши ёқимли овозда "Кечирасиз, сиз Лоламисиз?" деган. Ўзининг исмини эшитган аёл эшикни очиши билан, бир қучоқ гул кўтариб турган йигитни кўрган. Ҳайрат ва қувончдан ўзини йўқотган аёлга сирли меҳмон хориждан алангли салом етказган. Яқиндагина чет эл сафаридан келган Лола бунга чиппа-чин ишонган. Шунда кутилмаган воқеа яшин тезлигида юз берган. Тўсатдан қора кийим кийган, юзларига қора ниқоб тутган кимсалар пайдо бўлиб, унинг оғзига скотч ёпиштириб, қўл-оёқлари, кўзини боғлашган. Диванга ётқизиб қўйилган Лола мебелларнинг тарақ-туруқидан уйда "тинтув" бўлаётганини кўрмаса ҳам англаган.

"Гулдаста кўтарган йигитнинг кўринишини сўраяпсизми? — Лола терговчининг саволидан ўйланиб қолди. — Баланд бўйли, келишган эди. Бошқа белгиларини эслолмайман. Кўрсам, танийманми? Билмадим. Таний олмасам керагов". Афсуски, жабрдийданинг бу кўргазмалари бўйича гумонланувчини Тошкентдай шаҳри азимда излаш пичан ғарамидан игна қидиришдек гап.

Ана шундай ҳолатларнинг ўттиздан зиёди аниқланган. Жиноятчилар ўз усулларини тез-тез ўзгартириб туришган. Гоҳ телефон усталари, гоҳ электр таъминоти вакили, баъзан милиция ходими қиёфасига киришган. Жабрдийда уйда ёлғизлиги аён бўлгач, ҳар доимгидек унинг оёққўллари, кўзини боғлашган, оғзига елимли целлофан ёпиштиришган ва ... воқеалар эски сценарий бўйича давом этган.

Айрим хонадонларни улар аввалига яхшилаб ўрганишган. Ярим тунда томдан арқонга осилиб уерга киришган. Ғафлатда ётган хонадон эгалари додвой солишга ҳам улгуришмаган. Одатда уй шип-шийдам қилиб кетилган.

Жиноятлар пойтахтнинг турли бурчакларида содир этилиши ҳам, тўдада йигирма нафар аъзо бўлгани ҳам терговчиларнинг ишини қийинлаштирди. Чунки жабрдийдалар гумонланувчиларнинг кўринишини турлича тасвирлашар эди.

Аммо охир-оқибат таҳлиллар барча ҳолатларда битта жиноий гуруҳ ҳаракат қилганини кўрсатди.

Шундан сўнг бу йўналишдаги барча жиноят ишлари бирлаштирилиб, шаҳар ИИББ Тергов бошқармасининг тажрибали ходими, милиция подполковниги Р. Валижоновга топширилди.

Тергов-тезкор гуруҳи материалларни батафсил ўрганиб қуйидаги хулосага келди: жиноятчилар бўлажак жабрдийдаларни олдиндан яхшилаб ўрганишган. Масалан, Лола билан боғлиқ ҳолатни оладиган бўлсак. Унинг хорижга бориб келгани ҳақида хабардор бўлишган. Шунинг учун ҳам орадан кўп ўтмай унга ҳужум қилишган. Эҳтимол, уни аэропортдаёқ кузатишни бошлашгандир. Уни ким кутиб олишини кўришган, уйигача уч машиналарида изидан кузатишган.

Эгизаклар бошчилик қилган гуруҳ илк босқинчилик ҳужумини 1999 йилда содир этган. Шундан сўнг улар машина олишган. Ана шу воқеа билан боғлиқ қуйидаги жиҳатга эътибор беринг. Жиноятчилардан бири Наталья исмли танишининг анчагина пули борлигини шерикларига айтади. Шу пулларни тортиб олишга қарор қилинади. Сўнгги дақиқаларда Натальянинг таниши бўлган гуруҳ аъзоси шу ишдан қайтайлик, деб ялинишга тушди. Шериклари тил учида хўп деб рози бўлишса ҳам, ўз ниятларини хуфиёна амалга оширишди. Бундан хабар топган эгизак тўдабошилар бўлмаса сизларни сотамиз, деб қўрқитиб ўғирлик молларни олиб кетишди. Улар буюмларни эгасига қайтардик, деб шерикларини алдаб, аслида уларни пуллаб, машина сотиб олишди. Хорижга бориб келадиган аёлларни зимдан кузатиш шу тариқа осонлашди.

Бу жиноий гуруҳ фаолиятига "хотима" ясашни Сирғали тумани ИИБ тезкор ходимлари бошлаб беришди. Улар тўданинг уч аъзосини қўлга олишди. Бу ерда тўрт бора босқинчилик ҳужуми содир этилган эди. Бир ҳолатда босқинчилардан бирининг холаси жабрланганди. Сабаби, у қайсидир иши ёки феъли билан жиянига ёқмай қолган экан. Шундан сўнг жиян бўлмиш ўз холасининг таъзирини беришга қарор қилган. Тезкор усуллар билан жабрдийданинг таниш-билишлари ўрганила бошланди. Табиийки, шубҳа зўравон жиянга тушди. Тергов жараёнини қизиқтирган масалалар бўйича маълумотлар бера олиши мумкин бўлган гувоҳлар ҳам изланди. Шу тарзда жабрдийданинг уйидан жиянни олиб кетган таксичи топилди. У гумонланувчини қаеққа олиб борганини айтди. Зўравоннинг қолган икки шериги ҳам шу туманда яшар экан, улар тезда қўлга олинди. Гумонланувчилар дастлабки сўроқдаёқ ўзларининг бевосита раҳбарлари, раҳнамолари Ҳасан-Ҳусанлар эканини айтиб беришди.

**Тергов амалиётидан**

Эгизаклар 1975 йилда туғилишган. Болаликдан шўх, саргузаштларга ўч бўлиб ўсишган. Табиат ҳам уларни хафа қилдириб қўймаган. Ҳар иккаласи ҳам тенгдошларидан бўйларининг баландлиги, қад-қоматларининг келишганлиги билан ажралиб туришган. Айнан саргузаштталаб ва бойликка ўчликлари уларни қора курсига бошлаб келди:

Аввалига ўғрилик билан шуғулланишди. Қамалиб, амнистия бўйича озодликка чиқишгач "хато"ларини англаб етишди. "Бундай ишлаш мумкин эмас" деган қарорга келишди. Энди босқинчилик ҳужумларининг бир неча усулини ўйлаб топишди. "Операция"ларни пухта тузилган режа асосида амалга оширадиган бўлишди. "Иш" пайти керак бўладиган ниқоб, елимли целлофан, арқон, пичоқ каби "анжом"ларни олдиндан тайёрлаб қўйишар эди. Жабрдийдаларнинг кўпчилиги босқинчиларнинг таҳдид, дўқ-пўписаларидан қўрқиб ҳам бу ҳақда милицияга хабар беришмаган.

Эгизаклар кўплаб таниш-билиш орттиришган. Улар орасида хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этган. Босқинчилар овга чиқадиган ибтидоий одамларга ўхшаб ҳар бир "иш" олдидан узоқ вақт "репетиция" қилишган, токи жиноят жойида шошиб, довдираб қолмаслик учун.

Ҳасан—Ҳусанлар бошчилик қилган жиноий гуруҳ икки йилча милицияга тутқич бермади. Аммо бузоқнинг югургани сомонхонагача. Ҳозирча тўданинг ўн уч аъзоси қўлга олинган. Етти нафари, жумладан, эгизаклардан бири ҳам қидирувда.

Ҳасан-Ҳусанлар шу пайтгача ҳеч ҳам узоқ пайтга ажралишмаган эди. Бу сафар ҳам айрилиқ узоққа чўзилмаса керак. Ҳадемай улар дийдор кўришишса, ажаб эмас. Фақат... панжара ортида.

**И. САЙФУТДИНОВА.**

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

**Акмал Икромов тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда**



Нодира Тўлагановна **КАРИМЖОНОВА.** 1982 йилда туғилган. Акмал Икромов тумани Қурувчи кўча 4-тор кўчаси, 20-уйда яшаган. 2002 йил 30 январь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган

**Белгилари:** бўйи 160–165 см, юзи юмалоқ, сочи қора, узун, қоши ёйсимон, қиррабурун.

**Кийимлари:** эгнида кулранг лама пальто, бошида қора гулли рўмол, оёғида калиш бўлган.



Юсупжон Абдужамолович **ИШМАТОВ.** 1983 йилда туғилган. Чилонзор даҳаси 25-мавзе, 36-уй, 152-хонадонда яшаган. 2001 йил 22 ноябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, юзи юмалоқ, сочи қора, қоши ёйсимон, қиррабурун.

**Кийимлари:** эгнида жигарранг камзул, яшил кўйлак, оқ-қора рангли жемпер, жигарранг шим бўлган.



**Чиноз тумани ИИБ томонидан 1973 йилда туғилган Икром Эргашалиевич ДЎЛТАЕВ қидирилмоқда.** У Чиноз шаҳри К. Турсунов кўчасида яшаган. 2001 йил 2 июль куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170–175 см, сочи қора, қалин, юзи узунчоқ, лаби ўртача қалинликда, бурни ва қулоқлари ўртача.

**Алоҳида белгилари:** бурнининг ўнг томонида холи бор, ўнг жағининг тепа қисмидаги уч дона тиши сариқ металлдан ясалган.

**Кийимлари:** эгнида оқ сунъий матодан тикилган йўл-йўл кўйлак, қора сунъий матодан тикилган спорт кийими, оёғида қора туфли бўлган.

**Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин ордаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

**Ҳасад қилма, ҳавас қил**

# ҲИРС ВА ОЧКЎЗЛИК ЗАНЖИРИ

Ангренлик 23 ёшли Восиқ Аминов юртимизда ишбилармонларга яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдалана олди. Тўғрироғи, ўзининг уддабуронлиги, ҳаракатчанлиги билан мўъжазроқ бўлсада, қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатадиган савдо шохобчасини очди. Ўзи "Савдо — харид" корхонасида яхшигина лавозимда ишлай бошлади. Манманликдан йироқ бу йигит уйида эса 3-4 бош қорамолни парвариш қиларди.

...Бекорчиликнинг бошидан тутган М. Алига уйидагилар танбеҳ берар экан, Восиқдан ўрнак олсанг бўлмайдими, ҳар ишни дўндиришга ҳаракат қилади, шунга яраша насибасини ҳам олмоқда, дерди. Маҳалла-кўйнинг Восиқ ҳақида илиқ гаплар айтишлари унга негадир бошқача таъсир этди. Унга нисбатан ҳасад билан қарай бошлади ва Восиқнинг молларини ўмариш режасини тузди.

Моллар далада ўтлаб юрганини кўрган Али атрофга назар ташлади, ҳеч ким кўринмагач, қабиҳ ниятини амалга оширди.

Восиқнинг укаси Вали сигирлардан хабар олишга бориб, уларни ҳеч қаердан топа олмайди. Воқеадан хабар топган отаси зудлик билан милицияга мурожаат қилади. Шундан сўнг ички ишлар ходимлари томонидан тезкор гуруҳ тузилиб, кўрилган тадбирлар натижасида ўғри ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

* * *

Олмалиқлик Н. Эшматова билан Н. Рамиловлар "пана-пасқам жойларда" топишганлардан. Улфатчилик яхши, қачонки киссада пул бўлса, албатта. Аммо еб турганга тоғ ҳам чидамаслигини бироз кечроқ бўлса-да тушунган Инъом топганига шукр қилмай қўйди. Чунки, у маишатга буткул берилиб кетган эди. Қолаверса, маъшуқасининг ўғил боламисан ўзи, чўнтагингдан пул чиқса намунча қалтирайсан, дейишлари йигитлик шаънини поймол қилаётгандек бўларди.

Аёлларнинг макри қирқ туяга юк бўлишидан бехабар Инъомжон унинг ноғорасига ўйнаб, қалтис ишларга қўл ура бошлайди.

У Оҳангарон туманида яшовчи Мели Ибратовнинг уйи олдидан 2 бош отини ўғирлаб кетади. Бу ишни ими-жимида амалга оширганлигидан кўкрак кериб юраверди. Бироқ, ўғридан из қолади, деган нақлни унутди.

Норгул билан Инъомжон отларни аллақачон гумдон қилиб, тушган пулни ишлатиб бўлишган эди. Орадан 4—5 ой ўтгач, уларнинг эски одати яна "хуруж" қилди. Аммо бир фуқаронинг мол-мулкини ўғирламоқчи бўлишаётганда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олиндилар. Дастлабки суриштирувда от ўғирлигини ҳам содир этганликларини тан олишди.

Ҳа, очкўзлик "занжир"ига боғланган бўйин пушаймонлик тиғи билан кесилади. Норгул билан Инъомжон қилган ишларига ҳарчанд пушаймон бўлсалар-да, бунинг фойдаси йўқлигини яхши билишади.

**Ш. АНВАРОВ,**
*милиция лейтенанти.*

# МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ҒОЯСИ. АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)**

Гуруҳ раҳбари Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий-мафкуравий ҳаётимизда ҳам рўй бераётган улкан ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтиши лозим.

Эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, ёт ғоялар хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкура шакллантиришни тақозо этди.

Ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя, миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Шу ерда гуруҳ раҳбари ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун-моҳиятини тингловчиларга тушунтириб ўтиши керак.

Ғоя — инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир.

Мафкура — муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизими.

Ҳар қандай мафкура қуйидаги асосий мақсадларни кўзда тутади:

— муайян ғояга ишонтириш;

— уюштириш;

— сафарбар этиш;

— маънавий-руҳий рағбатлантириш;

— ғоявий тарбиялаш;

— ғоявий иммунитетни шакллантириш;

— ҳаракат дастури бўлиш.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир.

Миллий истиқлол мафкураси:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий, умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади;

— халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади;

— адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради;

— юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади;

— жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади;

— миллати, тили ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғуларини қарор топтиради;

— одамлар қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда, маърифий йўл билан сингдирилади.

Миллий истиқлол мафкураси ўз мазмун-моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламлар — бутун халқимизнинг қуйидаги умумий манфаатларини ифодалайди:

— мамлакатнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадлари дахлсизлиги;

— юртнинг тинчлиги, давлатнинг ҳарбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, информацион таҳдидлардан муҳофаза этилиши;

— мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳитини яратиш;

— ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлигини таъминлаш;

— жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўзини ўзи бошқариш тамойилларининг амал қилиши.

Истиқлол мафкураси том маънодаги миллий мафкурага айланиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

— инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиши;

— миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод манбаи бўлиши;

— ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириш ва ёвуз ғояларга қарши жавоб бера олиши;

— замоннинг ўзгаришига қараб, ўзи ифодалайдиган манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиши.

Миллий истиқлол мафкураси ана шу талабларга жавоб берган тақдирдагина қуйидаги асосий вазифаларни бажара олади:

— мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;

— мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган ҳур фикрли инсонни тарбиялаш;

— одамларимиз, айниқса, ёшларимизнинг иродасини чиниқтириш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳит яратиш;

— ватандошларимиз тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;

— халқимизга хос бўлган инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни янада юксалтириш;

— мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида "Ўзбекистон — ягона Ватан" деган тушунчани шакллантириш ва ривожлантириш.

Бу вазифаларнинг бажарилиши фуқароларимизни ҳозирги шиддаткор ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган шахсларга, янги жамият қуришнинг фаол иштирокчиларига айлантиришга хизмат қилади.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси — Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди.

Мафкурамизнинг асосий ғоялари:

— Ватан равнақи;

— юрт тинчлиги;

— халқ фаровонлиги;

— комил инсон;

— ижтимоий ҳамкорлик;

— миллатлараро ва динлараро тотувлик.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.**

# МУХЛИСЛАР МАМНУН БЎЛАДИ

**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат идоралари жамоалари ўртасида ҳар йили "Ватан ўғлонлари" футбол турнири ўтказиш анъана тусига кирган. Яқинда турнирнинг ташкилий қўмитаси навбатдаги мажлисини ўтказди. Унда жамоалар вакиллари саралаш ва финал учрашувларини ўтказиш муддатлари, жойи, ҳакамлик, тиббий хизмат кўрсатиш каби қатор масалаларни муҳокама қилиб, аниқлаб олишди. Сўнг гуруҳлар таркибини аниқлаш учун қуръа ташланди.**

Биринчи гуруҳда республика ИИВ, Давлат божхона қўмитаси, МХХ ва Прокуратураси жамоалари беллашадиган бўлишди. Иккинчи гуруҳ таркибига эса республика Мудофаа вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат чегараларини қўриқлаш бўйича қўмита ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги жамоалари киришди.

Мажлисни олиб борган ИИВ "Жар" ССМ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги В. Настюков турнир футбол ишқибозлари ўртасида тобора оммалашиб бораётганини қайд қилди. У жамоаларнинг савияси, маҳорати ҳам йилдан-йилга ошаётганини таъкидлади.

Мусобақалар бош ҳаками Н. Ризаметов жамоалар вакиллари диққатини белгиланган ўйин қоидаларига қатъий риоя қилишга, айниқса, ўйинчилар майдонда интизомни бузмаслиги кераклигига қаратди. У ҳар қандай ҳақиқий, ҳалол спортга хос бўлмаган хатти-ҳаракатга, қўполликка чек қўйилишини эслатди.

Турнир 11 апрелда бошланади. Финал учрашуви эса 21 апрелда "Жар" ССМ ўйингоҳида бўлиб ўтади. Жамоалар вакиллари ўйинчилар мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўришаётгани, беллашувлар, албатта, мухлисларни хурсанд қилишини айтишди.

# СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**"Динамо" ФСЖ Тошкент шаҳар кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда кенгашнинг ишчи органларига қўшимча сайловлар билан боғлиқ баъзи ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Кенгаш раисининг ўринбосари, ички хизмат полковниги А. Ростов Тошкент шаҳар ИИББ бўлинмаларида шахсий таркибнинг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш, оммавий спортни ривожлантириш бўйича нутқ сўзлади.**

Маърузада ҳам, пленум иштирокчиларининг чиқишларида ҳам эришилган ютуқлар билан бир қаторда ички ишлар ходимларини, уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасида мавжуд камчиликлар ҳам қайд этилди.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасида юқори кўрсаткичларга эришган туман идоралари, саф бўлинмалари ва ИИББ хизматлари учун "ИИББнинг энг яхши "Динамо" ФСЖ жамоаси" унвони таъсис этилди. Пленум бу унвон ҳақидаги низомни тасдиқлади.

Пленумда Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, милиция полковниги А. Азизов "Динамо" ФСЖ шаҳар кенгашининг раиси этиб сайланди.

**Ўз мухбиримиз.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЙҲХББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Ғайрат Болтабоевга синглиси

**Канизахон ЭГАМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбарияти ва шахсий таркиби катта инспектор, милиция капитани Равшан Мухсимовга онаси

**МУХТАБАР аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, милиция лейтенанти

**Вячеслав Вячеславович КРЕТОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги милиция полковниги М.И. Колюшевга отаси

**Иван Афанасьевич КОЛЮШЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.


## ТАШКИЛОТЛАР ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуи Тошкент шаҳридан 70 км олисда, Сирдарё қирғоғидаги оромбахш жойда қад ростлаган "Сирдарё" дам олиш масканида баҳорги-ёзги мавсумда ҳордиқ чиқариш учун олдиндан буюртма қабул қилади.**

Дам олувчилар ихтиёрига кондиционер, совуткич, кабелли телевидение, телефон билан жиҳозланган 2-6 ўринли коттежлар ҳавола этилади. Улар 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар. Бу ерда спорт зали, ошхона, сузиш ҳавзаси, сауналар, болалар майдончаси мавжуд. Дам олувчиларнинг хоҳишларига кўра отда сайр қилиш, балиқ ови, физиотерапия муолажалари ташкил қилинади.

**Дам олиш муддати 3 кундан 15 кунгача.**

**Йўлланмалар нархи бир кишига суткасига коттежлар тоифасига қараб 4000 сўмдан 8000 сўмгача.**

**Йўлланма учун буюртмалар "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуининг молия-иқтисод бўлимида қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 3-уй ("Чорсу" меҳмонхонаси ёнида).**

**Маълумот учун телефонлар: 139-71-02, 49-34-58, 49-31-17.**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi,1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir**
**Zokir ATAYEV**

Bosh muharrir o'rinbosari v.b.
**Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib
**B. AZIMOV**
Navbatchi:
**S. SHAMSIDDINOV**
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA**
**G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi va dizayner:
**A. MIRZAMUHAMEDOV**

**TELEFONLAR:**
Bosh muharrir o'rinbosari 139-77-23.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muxbirlar bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

**E-mail:**
urmvd@globalnet.uz

**Bizning hisob raqamlarimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21596000200447980001, MFO 00014.**

**ABN AMRO Bank MB O'zbekiston A.J. 20210000300447980002 MFO 00831, i/r 5033853 INN 200637499**

*·Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart*

*·Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.*

*·Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma **Г — 151.**
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — **180**

Umumiy tiraji **48.519** nusxa.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**

Korxona manzili:
**Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.**

1, 2, 3, 4, 5, 6.